



Tadqiqot **UZ**

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 DEKABR
№35

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
1-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-1**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 56 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. G. Xo‘janova, Sh. Nurullayev KONSTITUTSIYA VA MILLIY QADRIYATLAR.....	7
2. Ф.Ёдгоров, И.Хакимова СУДЬЯНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОДОБ-АХЛОҚ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	10
3. Эшмирзаев Зоҳиджон Мухаммадиевич, Курбанова Ирода Яминовна ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	15
4. Davletova Bikajon Tursunbayevna KORRUPSIYA - TARAQQIYOT KUSHANDASI.....	22
5. Икромов Сабохат Бахтиёр қизи КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ	24
6. Mamaraimov Javohir Azamjon o‘g‘li HOKIMIYATLAR BO‘LINISHINING NAZARIY-HUQUQIY JIHATLARI.....	26
7. Абдурахманова Нодирахон Хуснутдиновна ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ	29
8. Каюмов Бахтиёр Эркинович ГОСУДАРСТВО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ И ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА	31
9. Матрасулов В.Р. ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ОШИРИЛМОҚДА	34
10. Махмудов Алишер Абдусалимович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	35
11. Насретдинова Мадинабону ТОВАР БЕЛГИЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК	40
12. Ergashov Omonillo Lutfullo o‘g‘li, Poziljanov Xumoyunmirzo G‘ayratjon o‘g‘li MAMLAKATIMIZDA YOSHLAR SIYOSATIGA BO‘LGAN E‘TIBOR.....	45
13. М.Султонов, З.Рустамов ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ.....	48
14. Усмонова Мунисхон Йўлдош қизи ЎЗ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ТУШУНА ОЛМАЙДИГАН ФУҚАРО ТО- МОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	50
15. Samandarova Munajat Qahramon qizi HUQUQIY TARBIYA BERISHDA AMIR TEMUR MEROSIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI	53
16. Musoyeva Xushvaqt Jo‘raqulovna O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOSHQARUVI.....	55



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

KONSTITUTSIYA VA MILLIY QADRIYATLAR

G. Xo‘janova

filologiya fanlari nomzodi,
TDYU qoshidagi akademik litseyning
O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasini mudiri;

Sh. Nurullayev

TDYU tayanch doktoranti

Annotatsiya: O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi xalqimiz boy merosi va qadriyatlarining yorqin ifodasi sifatida maydonga keldi. Asosiy Qonunimiz mustaqillik biz uchun bergan hur fikr, yuksak tafakkur mahsulidir. Uning o‘ziga xos jihatlaridan biri shundaki, u umuminsoniy qadriyatlar qatorida xalqimizning mehr-oqibat, or-nomus, iffat va hayo, odamiylik, muruvvat va saxovat kabi bebaho milliy qadriyatlarini ham o‘z mazmun-mohiyatiga singdirgan. Ushbu maqolada konstitutsiyamizning milliy ruhda umuminsoniy tamoyillarga asoslanib, xalq erkinligi va farovonligini ko‘zda tutib yozilganini yana bir bor tahlil qilmoqchimiz.

Kalit so‘zlar: *O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, xalqaro huquqlar, an‘ana va qadriyatlar, umuminsoniy tamoyillar.*

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi O‘zbekistonning ham ichki, ham tashqi hayotida muhim o‘rin tutgan ushbu hujjat kelajak yo‘llarimizni nurli mayoq singari yoritib, bizni yangi istiqbollar sari boshlab bormoqda. U xalq ruhiy holatini, ijtimoiy ongini va milliy madaniyatini to‘la aks ettirgani bilan ham qadrlidir. Unda asrlar mobaynida ushalmas armonga aylanib kelgan an‘ana va qadriyatlarimiz o‘z bo‘y-bastini qayta tiklab, xalqaro huquqlarimiz qonun yo‘li bilan himoyalangani, ertangi kun tinchligi va el omonligi yuksak qadrlanadi.

41-moddada o‘zining xalqchilligi, umuminsoniy tamoyillarga mosligi bilan alohida tahsinga loyiqdir. Dunyoda eng yaxshi va xayrli ishlardan biri ilm olishdir. Hech bir zamonda ilmu ma‘rifatga yomon ko‘z bilan qaralmagan. Ilm- barcha ezgu niyatlarning kaliti ekan, inson faqat ilm bilan o‘z kamolotiga erishadi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, Konstitutsiyaning ushbu moddasida: **“Har kim bilim olish huquqiga ega. Bepul umumiy ta‘lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi.**

Maktab ishlari davlat nazoratidadir” (O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, -Toshkent: “O‘zbekiston”, 2019, 16-bet)-deya muhrlab qo‘yilishi bejiz emas. Bunday kafolat bizning qadimiy qadriyatlarimizni qayta jonlantiradi va millatni komillik pillapoyalari sari yetaklaydi.

Ma‘lumki, milliy an‘analarimizga binoan insonlardagi vatanparvarlik hissi, mardlik va halollik, to‘g‘rilik va poklik kabi fazilatlar, eng avvalo, oila quchog‘ida shakllanadi. Konstitutsiyaning 63-moddasida: **“Oila jamiyatning asosiy bo‘g‘inidir hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo‘lish huquqiga ega.**

Nikoh tomonlarning ixtiyoriy roziligi va teng huquqliligiga asoslanadi”-

deb ko‘rsatib o‘tiladi. Bu da‘vat oilaga jiddiy e‘tibor berishni va har bir ota-ona o‘z farzandlari tarbiyasiga mas‘ul bo‘lishini taqozo etadi.

Eng xalqchil va insonparvarlik negizlariga mos keladigan moddalardan biri 66-moddadir. Unda ota-ona va farzand munosabatiga katta ahamiyat berilgan. Xuddi ana shu talqinlarning o‘zi ham Asosiy Qomusimizning o‘ziga xosligini, ma‘naviy boy mazmunga ega ekanligini asoslab turibdi: **“Voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o‘z ota-onalari haqida g‘amxo‘rlik qilishga majburlirlar”.** Bunday majburiyatning Konstitutsiyada belgilab qo‘yilishi yoshlar zimmasiga katta mas‘uliyat yuklaydi. Xalqimizda “bola boshidan” degan ibora shunchaki aytilmagan. Kimki bolasiga yoshligidan (agar lozim topsa ona qornidayoq) to‘g‘ri tarbiya bersa, o‘zi ham bir umr mehrga zor bo‘lmaydi. Negaki, oilada farzand ota-ona munosabatlariga qarab ulg‘ayib boradi.



Shunday ekan, bolalarimiz yuragida mehr va muhabbat tuyg'ularini qaror toptirish-biz kattalarning asosiy vazifamiz bo'lmog'i kerak.

O'zbekiston yer yuzidagi eng qadim, shu bilan birga eng uzoq o'tmishga ega bo'lgan yurtlar qatoriga kiradi. Mana shu jihatning o'zi ham o'zbek milliy qadriyatlarning qadim zamonlarga borib taqalishini ko'rsatib turibdi. Asosiy Qonunimiz bizning uzoq o'tmishimizga tayanib, o'sha ulug' qadriyatlarimizni yuzaga chiqarish uchun o'z sahifalaridan keng o'rin ajratgani uning milliyligini ta'minlagan.

Qadimgi yozma manbalarda e'tirof etilishicha, o'zbek xalqi o'z qadriyatlari bilan birga kamol topib, ulardan ilhomlanib, cheksiz tafakkur olamini boyitib kelgan. Har qaysi davrning o'ziga xos imkon va talablari qadriyatlarimizning sayqallashuviga xizmat qilganligini ham aytib o'tish joizdir.

Mustaqillik bizga erkinlik, hurlik va ozodlik shabadalarini in'om etish bilan birga eng muqaddas qadriyatimizni ham qaytarib berdi. Hatto ayrim qadriyatlarimiz davlatimiz tomonidan umumxalq bayrami sifatida nishonlanib, dam olish kuni deb e'lon qilindi (Navro'z, Ramazon va Qurbon hayitlari kunlari).

Odamlarning bir-birlariga muruvvat ko'rsatishi, mehr-oqibatli bo'lishi o'zbek xalqining unutilmas qadriyatlaridan hisoblanadi. Istiqlolning dastlabki kunlaridanoq davlatimiz aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamini har tomonlama g'amxo'rlik bilan muhofaza qilishga e'tiborni kuchaytirdi. Muruvvat ko'rsatish-ezgu qadriyat ekanini, ehson qilish-savob ish bo'lishini unutishga hech kimning haqqi yo'q. Zero, Konstitutsiyamizda ham bular o'z aksini topgan.

Yurtimizda tinchlik va barqarorlik mavjud bo'lib, Konstitutsiya bizning qonuniy erkinligimizga rahnamo ekan, elim deb, yurtim deb yonib yashamoqning fursati keldi. Necha asrlar orzu qilingan va bugungi kunda erishib turganimiz-ISTIQLOL shamollari bizga qanot va madad bo'lishi shubhasizdir. Davlatimiz rahbari haqli ravishda ta'kidlaganidek: **“Konstitutsiyamiz har bir fuqaroning ongi va qalbidan chuqur joy olgan, ularning huquq va erkinliklarini to'liq kafolatlaydigan haqiqiy hayot qomusiga aylanmog'i lozim”¹.**

Bobokalonimiz, buyuk sarkarda-Amir Temur ta'kidlaganidek, Qonun hukmron joyda erkinlik bo'ladi”. Haqiqatdan ham, insonlar belgilangan tartib qoidalarga amal qilsa, ularning hayoti adolatli va farovon bo'ladi. Jamiyatda erkinlik va sog'lom huquqiy muhit shakllanadi.

Shu o'rinda, ushbu bag'ishlov bilan so'zimni yakunlamoqchman.

O'ZBEKISTON² (Bag'ishlov)

Ajib dunyolarni qilmasman havas,
Kim ham o'z diyorin jannatim demas.
Menga faqat o'zing omon bo'lsang bas,-
Har damim quvonchdir, har kunim bayram,
Ey, nurli bo'stonim-hur O'zbekiston!

Bu qanday sharafki-senda tug'ildim,
Ko'z ochgan kunimdan baxtga yo'g'rildim.
Sen-onam, sen-otam ekaning bildim,-
Sen borsan-munavvar menga keng olam,
Ey, jonu jahonim-hur O'zbekiston!

Olam uzra balqqan oftob jamolsan,
Kurrai zaminga yoqut hilolsan,
Manglayimga bitgan mangu iqbolsan,-
Shunday durdonasan, shundayin o'ktam,
Ey, moviy osmonim-hur O'zbekiston!

¹ Sh.Mirziyoyev 2019-yil 8-dekabrda so'zlagan nutqidani

² Gulchehra Xo'janova, TDYU qoshidagi akademik litsey kafedra mudiri, filologiya fanlari nomzodi



Baxmal vodiylaring-uzuk ko‘zidur,
Binafsha bog‘laring-jannat o‘zidir,
Dovrug‘u shuhrating- o‘zbek yuzidir,-
O‘xshashi topilmas, tengi yo‘q o‘lkam,
Ey, bitmas dostonim-hur O‘zbekiston!

Omon bo‘l! Porlasin tole quyoshing,
Elsevar Yurtboshi yoniq yo‘ldoshing,
To‘ylardan chiqmasin hech qachon boshing!
Buyuk kelajakka borurman ildam,-
Qomusim men bilan, Sen bilan ertam,
Ey, taxti ravonim-hur O‘zbekiston!

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.-Toshkent “O‘zbekistan” 2021
2. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil Al-Buxoriy Al-jomi’ as-sahih. 4-jild.-Toshkent, 1997.
3. Alisher Navoiy. Asarlar. 15-tom.-Toshkent, 1968.
4. Alisher Navoiy . Mukammal asarlar to‘plami. 14-tom.Toshkent, “Fan”, 1998.
5. Ahloq-odobga oid hadis namunalar.-Toshkent, 1990.
6. Ahmad Yugnakiy “Hibat-ul haqoyiq”-Toshkent, 1971.
7. Inog‘omjonova Z. Mustaqillik konstitutsiyasi sud-huquq islohotlarining poydevori. TDYI axborotnomasi. 2007, 5-son.
8. Odilqoriyev X. Konstitutsiya-huquqiy tafakkur va ma’naviy salohiyat ko‘zgusi.
9. TDYI axborotnomasi. 2007, 5-son.
10. To‘xliyev B Yusuf xos Hojibning “Qutadg‘u bilik” asari.-Toshkent, 1991.
11. Usmonov M. Milliy g‘oyaning huquqiy asoslari. TDYI axborotnomasi. 2007, 5-son.
12. Usmonov Turar. Tasavvuf tarixi.-Toshkent, 1999/
13. Xo‘janova G. “Hibat ul-haqoyiq” haqiqatlari.- Toshkent, “G‘. G‘ulom”, 2001



СУДЬЯНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОДОБ-АХЛОҚ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.Ёдгоров, И.Хакимова

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий
ишлар бўйича судьялари

Аннотация: Ушбу мақолада судьянинг касбий фаолиятини амалга оширишда одоб-ахлоқ принципларига тўлиқ риоя этиши одил суловнинг жамиятдаги ролини ошириш, амалда мустақил бўлган суд тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва халқнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда ўрни ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Конституция, Судьялар олий кенгаши, Одоб-ахлоқ кодекси, суд, судья, қонунийлик, адолат, ҳолислик, кодекс, қонун, ислоҳат.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган кенг кўламли ислохотларнинг туб моҳиятига сингдирилди. Чунончи, суд тизими ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва изчил либераллаштириш, судлар мустақиллиги ҳамда масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган уч мустақил ҳокимиятнинг бири сифатида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, унинг мустақиллигини таъминлаш, уни қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Россиялик олим В.М.Савицкий айтганидек, суд ҳокимияти нафақат судлов ишлари билан шуғулланиши, балки у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият қарорлари ҳамда фаолиятига ҳуқуқий жиҳатдан фаол таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, уларни ўзаро мувозанатда ушлаб туриши лозим.

Агар суд ҳокимиятида интизомсизлик, судьяларнинг адолатсизлиги ва малакасизлиги ўзининг юқори чўққисига чиқса, бунинг натижасида халқнинг судга бўлган ишончи салбий томонга ўтиши, бу орқали нафақат суд ҳокимияти, балки давлат ҳокимияти, умуман олганда, давлат тузумида жиддий норозиликлар авж олиши ва миллий хавфсизликка бевосита таҳдид келиб чиқиши мумкин.

Шу боис, суд ҳокимияти, қолаверса, судьялар зиммасига шундай масъулият юкланадики, ушбу масъулиятни рўёбга чиқариш учун ҳар бир судьянинг онгида ва тафаккурида одиллик, ҳолислик, ҳалоллик ва поклик каби нозик тушунчалар чуқур сингиб кетган бўлиши лозим. Чунончи, давлатимиз томонидан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислохотлар ҳам айнан шу мақсадга қаратилгандир.

Зеро, судьялар томонидан профессионал вазифаларни фақат қонун доирасида, ҳалол ва виждонан амалга оширилиши, уларни қарор қабул қилиш чоғидаги мустақиллиги фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишини кафолатлайди, жамиятда адолат тамойилларига, суднинг ҳолислиги ва мустақиллигига нисбатан бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда ҳам судьяларнинг касбий фаолияти ва хизматдан ташқари вақтдаги юриш-туришини тартибга солувчи одоб-ахлоқига доир ҳуқуқий асослар мавжуд ва йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланган бўлиб, ушбу кафолатлар мамлакатимиз Конституцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги ва “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунлари билан тўғридан тўғри тартибга солинган.

Бинобарин, Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига судьянинг мустақиллигига оид бир қатор қоидаларнинг белгиланиши ҳам судьяларнинг ўз фаолиятларини ташқи таъсирлардан мустақил ҳолда амалга оширишлари лозимлигини назарда тутди.

Дарҳақиқат, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган экан бу борада судьялар зиммасига юкланган ўта муҳим вазифа — одил судловни оғишмай амалга ошириш муҳим аҳамият



касб этади. Чунончи, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьянинг мустақиллиги одил судловни амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир.

Шу ўринда “суднинг мустақиллиги” ҳамда “судьянинг мустақиллиги” каби тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим. Биз биламизки, суднинг мустақиллиги деганда, Ўзбекистонда одил судловнинг фақат суд органлари томонидан, бошқа ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда амалга оширилиши тушунилади. Судьянинг мустақиллиги деганда эса, унинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда, ҳеч қандай аралашув ва таъйиқларсиз, кимларнингдир талаблари ёки фикрларидан мустақил ҳолда судлов фаолиятини амалга ошириши тушунилади.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунишига оид нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Иқтисодий-процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида ҳам алоҳида принцип сифатида ўз аксини топган бўлиб, мазкур нормалар орқали судьялар одил судловни амалга оширишда мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлиши давлат томонидан кафолатланган.

Шунингдек, юқорида келтириб ўтилган қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳужжатларни амалиётга изчил тадбиқ этиш, шунингдек, мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суднинг нуфузини ошириш, судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни рўёбга чиқариш мақсадида юртимизда яна бир қатор бошқа қонун ости ҳужжатлар ҳам қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг амалдаги ижросини таъминлаш орқали жамиятда судьяларнинг ҳеч бир тўсиқларсиз касбий фаолиятини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил, тизимли ва кенг кўламдаги ислохотлардан пировард мақсад - бу судьянинг мустақиллигини амалда таъминлашдир. Жамиятда судьянинг мустақиллиги амалда таъминланмас экан, адолатли одил судловни амалга оширишда тўсиқлар пайдо бўлади ва бу судьялар томонидан адолатли қарорлар қабул қилинишига ўз таъсирини ўтказди.

Судьянинг ҳолислиги тамойили шуни тақоза қиладики, судья на айблов ва на ҳимоя томонида бўлмайди, балки фақат қонун томонида бўлади. Судьянинг беғаразлиги тамойили эса шуни ифода этадики, одил судлов тарафларнинг тенглиги асосида амалга оширилади. Беғараз судья айблов ва ҳимоячининг важларига бир хил тенг ва эътиборли муносабатда бўлади.

Судьянинг ҳолислиги ва беғаразлиги хусусида буюк аллома Абу Исо ат-Термизий ҳам ўз фикрини қуйидагича баён этган: Қози оммавий даъватлардан бошқа даъватга бормайди, агар даъват эгасининг қозихоналик иши бўлса, қози оммавий даъватга ҳам бориши мумкин эмас. Шунингдек қози тарафлар орасида ўтириш ва қарашни баробар қилади. Улардан бири билан пичирлашиб гаплашмайди, меҳмон қилмайди, кулишмайди, ҳазиллашмайди, унга ишора қилмайди ва ҳужжатни айтиб бермайди.

Мутаффақирнинг судьянинг ҳолислиги ва беғаразлигини ифодоловчи мазкур фикрлари билан келишмасликнинг имкони йўқ. Чунки ҳолислик ва беғаразлик тушунчалари аввало суднинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга ошириши, одил судлов фақатгина суд томонидан амалга оширилиши билан узвий боғлиқ.

Буюк немис файласуфи Иоганн Вольфганг Гёте ўз қарашларида “ўзи ҳақида ҳукм чиқаришга ўрганмаган киши бошқалар ҳақида ҳукм чиқара олмайди” деган фикрни илгари сурган.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”га кўра, судьянинг ҳолислиги у ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг шартидир. Ҳолислик нафақат чиқарилаётган қарор мазмунида, балки уни қабул қилишда кечадиган барча процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

Демак, судьянинг ўз касбий фаолиятини амалга оширишда ҳолис ва беғараз бўлиши, ҳар қандай афзалликлар, шубҳа ва тахминлардан ҳоли бўлиши жамиятда кишиларнинг суд органларининг ҳолислиги ва беғаразлигига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексидаги тенглик принципи халқаро ҳуқуқнинг инсон



хуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган принципларидан энг асосийси бўлиб ҳисобланади. Ушбу принцип жамиятдаги ҳар бир шахсга нисбатан, унинг ирки, жинси, миллати, тана ранги, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар, бир хилда қўлланилади. Шунинг учун ҳам мазкур принцип инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро шартномаларда мавжуд.

Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1 ва 2-моддаларида “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Ҳар бир инсон ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.” – деб кўрсатиб ўтилганлиги юқорида таъкидлаб ўтган фикримизга мисол бўла олади.

Юқоридаги халқаро ҳужжатда белгилаб қўйилган мазкур норма мамлакатимиз бош қомуси ҳисобланган Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Судья адолатли суд муҳокамасини ўтказиш, барча шахсларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш орқали одил судловни холис ва бегараз амалга ошириши лозим. Зеро, тенглик принципнинг мазмуни ҳам бир шахснинг бошқа шахсдан устун қўйилмаслигини, барчага бир хилда муносабатда бўлиш лозимлигини англатади.

Шу муносабат билан, судья ўз мажбуриятларини бажариш чоғида тенглик принципига амал қилиши, тарафларнинг ҳар бирига тенг имкониятлар яратган ҳолда улар ўртасида мувозанатни сақлаб туриши, суд ишларини юритишда қатнашаётган барча иштирокчиларга бир хил эътибор қаратиши лозим.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексидаги судьянинг адолатлилиги принципи жамиятда одил судловни амалга оширишда, жамият аъзоларини ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда одил судлов ҳар қайси даврларда ҳам улуғланганлигини, кадрланганлигини ҳамда инсонлар унга интилиб яшаганликларини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, рим файласуфлари “*Pereat mundus et fiat justitia*”, яъни “майли дунё барбод бўлсин, лекин адолат қарор топсин” деб таъкидлаганликлари бежиз эмас. Рим файласуфларининг мазкур мумтоз шиорлари бир қарашда муболағадан иборат бўлса-да, лекин улар одил судловга шу қадар юқори баҳо берадилар.

Дарҳақиқат, адолат халқимиз учун азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам “Куч – адолатда” деган шиорга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришган. Шу ўринда улуғ аждодимиз узук-муҳридаги ушбу адолатпарвар шиор муҳташам Оқсаройнинг асосий пештоқида “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиори!”, деган жумлалари битиб қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари ҳам ўзларининг маърузаларида суд органларининг фаолиятига ва судьялар олдида қўйилган устувор вазифалар хусусида тўхталиб, “судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши керак. Адолат кўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.” – деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Шунингдек, одиллик принципи бир қатор процессуал кодексларимизда ҳам ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслар шулар жумласидандир.

Судья ўз вазифасига сидқидилдан, юқори профессионал даражада ёндашиб, ҳолатга қонуний, қалб амрига таянган ҳолда виждонан баҳо бериши лозим. Чунки судья суд мажлисида қабул қилган қарори ёки ҳукмидан кейин виждони қийналмасагина, у чинакам адолат сўзини айтган бўлади. Зеро, тўғри сўз ва одил одам доим виждони олдида пок бўлади.



Кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда эса қонун ва адолат принциплари устувор ҳисобланади.

Судьянинг ҳалоллиги принципи ўз моҳиятига кўра, судьяларнинг тўғри ва ахлоқий принципларни ўзида мужассам этиши лозимлигини англатиб туради. Судья нафақат ўзининг мансаб мажбуриятларини ижро этишда, балки ҳамма вақт ўзининг судьялик лавозимига муносиб равишда ўзини тутиши, ёлғон, алдов, фирибгарликдан холи бўлиши кераклиги ҳамда ўзининг ҳуқуқи ва характерида лойиқлик, тўғрилиқни шакллантириши ва кўрсатиши кераклиги, ҳалоллик ва покликнинг катта-кичиги йўқлиги ҳамда бу мутлақ категория ҳисобланиши ҳалолликнинг ўзига хос белгиларидир.

Ҳалоллик ва покликни ўзига касб қилиб олган судьялар қанчалик кўп бўлса, жамиятда қонун устуворлиги таъминланади ва фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончи янада ортади.

Ҳалолликнинг ўзига хослиги, унинг элементлари ва ҳалол бўлиш учун талаб этиладиган фазилатлар хусусида бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг турлича фикрларини айтиб ўтишган.

Ҳалоллик қолаверса, судьянинг ҳалоллиги тушунчаси хусусида миллий қонунчилигимизнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги ҳамда “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунлари ушбу тушунчанинг судьялар фаолиятида нечоғлик аҳамият касб этишини белгилаб беради.

Хусусан, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 64-моддасига мувофиқ, илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс биринчи навбатда зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга қасамёд қилади. Бу эса, ўз навбатида судьядек шарафли касбни эгаллашни орзу қилган ҳар бир шахс учун жуда муҳим ва масъулиятни талаб этади.

Фикримизнинг исботи сифатида “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга назар солсак, мазкур қонуннинг 21, 22-моддаларига кўра, биринчи марта тайинланадиган судьяларни ҳамда судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонларидан бири сифатида судьянинг ҳалоллиги белгиланган.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти билан боғлиқ фаолият олиб боровчи касб соҳибларидан доимо ҳалоллик ва фидойилик талаб қилинади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу борада биргина нотўғри қилинган иш инсон тақдири буткул ўзгариб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Судья ҳам ушбу касб соҳибларидан биридир. Яъни судья қабул қиладиган қарор замирида инсон тақдири туради. Шу боис, судьядан ушбу касбни амалга ошириши учун нафақат ҳалоллик, балки жуда катта масъулият ҳам талаб қилинади.

Кодексадаги судьянинг лаёқатлилиги принципining ўзига хослиги шундаки, у бугунги кунда иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган судьялар корпусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўз соҳасини яхши билмайдиган, касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар судьялик лавозимига нолайоқатлар. Шу боис, судьялик лавозимига тайинланган шахслар ўз вазифаларига виждонан, юқори профессионал даражада ёндашиши, кучли фаҳм-фаросатли бўлиши, одил судловни амалга оширишда сабр-тоқатли бўлиши, шахсий манфаатларини касби билан аралаштириб юбормаслиги лозим.

Демак, юқорида келтириб ўтилган миллий қонунчилигимиз ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ҳужжатларидан кўринишича, судьянинг лаёқатлилиги унинг ўта камтаринлиги, ўз касбининг билимдони, сабр-тоқатли ва фидойилиги, одил судловни амалга оширишда алоҳида масъулияти ва бенуксон фаолияти ҳамда шукроналик қилиш каби фазилатларга эга бўлишида намоён бўлади.

Ушбу фазилатларга эга бўлган шахслар эса ҳеч шубҳасиз, одил судловни амалга оширишда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда бор кучларини аямай хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловнинг мустақил ва холис судлар томонидан амалга оширилиши, судьялар мустақиллик принципини судья учун имтиёз ёки устуворлик сифатида эмас, балки ишни мавжуд қонун ва далиллар, ташқи босимлар ёки таъсирлардан холи ҳолда ҳалол ва холисона кўриб чиқишлари учун юклатилган масъулият сифатида қабул қилишлари лозимдир.

Шунингдек, судьяларнинг холислиги адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг муҳим жиҳати эканлиги, ҳалоллик ва поклик эса маънавият ва адолатлиликнинг сифатлари



ҳисобланишидан келиб чикиб, судья ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишида этик нормаларга тўлиқ риоя қилиши, ушбу фазилатлар судья ҳаётининг муҳим элементлари ҳисобланиши англаб етиши зарур.

Шу боис, Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексида белгиланган судьянинг касбий фаолиятини амалга оширишда одоб-ахлоқ принципларига тўлиқ риоя этилиши одил суловнинг жамиятдаги ролини ошириш, амалда мустақил бўлган суд тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва халқнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
 2. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни
 3. “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
- Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. Тошкент-2018 йил, [https:// uza.uz/uz/](https://uza.uz/uz/) сайти.
4. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29-ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган “Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплар” 10-қоида.
- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <https://constitution.uz> сайти.
5. Рўзиназаров Ш., Ниёзова С., Мухаммадиев А., Абдурахмонхўжаев Ж., Қўчқоров Х. “Судлар фаолиятини ташкил этишнинг назарий ҳуқуқий асослари”. Монография. ТДЮИ, 2013 йил, 96-бет.
 6. Ньюман Й. “Мустақил суд тизимини барпо этиш”. “Хўжалик ва ҳуқуқ”. 1997 й, 12-сон, 32-б.
 7. Сулаймонов О.Р. “Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. Монография.” – Тошкент. “Тафаккур қаноти” нашриёти. 2020 й.
 8. Абу Исо ат-Термизий. “Саҳиҳи Термизий” асари.
 9. Энг одил ҳукм – виждон ҳукми. “Одиллик мезони”, 2018 йил, 1-сон, 39-бет.
 12. Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари. Гаага 2002 йил.
 13. Ш.Ақбаров, Касби-корим адолат бўлди: Тарихий-хужжатли роман. Тошкент “Наврўз” нашриёти, 2018 йил, 8-бет.
 14. 1995 йил 22 декабрдаги 50/181-сонли резолюция ва 1993 йил 20-декабрдаги 48/137-сонли резолюция.
 15. В.М.Савицкий «Организация судебной власти в Российской Федерации» // М. 1996. С. 75.
 16. И.В.Навицкий “Принцип доброй совести в проекте обязательственного права”. Вестник гражданского права, 2006. №1.
 17. М.К.Сулейманов “Применение принципа добросовестности в отраслях частного и публичного права”. Право и государства, 2015. № 2.
 18. <https://litlife.club>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Эшмирзаев Зоҳиджон Мухаммадиевич
Юкоричирчиқ туманлараро иктисодий

судининг судьяси

Телефон: +998903561555

Курбанова Ирода Яминовна

Зангиота туманлараро иктисодий

судининг судьяси

АННОТАЦИЯ: Мамлакатимизда судлар фаолиятига замонавий -рақамли технологияларни жорий этиш масаласи кенг йўналишда такомиллаштирилмоқда ва бу жараён бошқа давлатларда ҳам изчиллик билан давом этмоқда.

Ҳар бир соҳани тўлиқ ривожланиши ва барқарор бўлиши учун албатта унинг ҳуқуқий асоси пухта яратилган бўлиши лозим. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, судлар фаолиятига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш жараёни узоқ вақтни талаб қилади. Давлатимизда ҳам ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босқичма-босқич қабул қилинган ҳолда судлар фаолиятига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш тараққий этмоқда. Мазкур мақола мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимига рақамли технологияни жорий этишнинг босқичларини ва ҳуқуқий асосларини моҳиятини очиқ беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: одил судлов, видеоконференцалоқа, электрон қабул, рақамли технология, электрон ҳужжат.

“Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келмасдан, “онлайн” тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади”

Ш.М.Мирзиёев¹

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чуқур ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Республикаимизда суд суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунчилик халқаро стандартларга жавоб берадиган даражада шакллантирилмоқда ва доимий равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Ўтган давр мобайнида судлар фаолиятини ислоҳ қилиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбииркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.²

Республикаимизда давлат бошқаруви соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, электрон ҳужжат айланмаси тизимини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база яратилди ва бу тизим янада такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни мустаҳкамлаш мақсадида тегишли такомиллаштирилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилиниши давом этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан суднинг давлат бошқаруви ва электрон ёзувларни бошқариш фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда яъни, куйидагилар судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий асос

¹ Қонунчилик муаммолари ахборотномаси (илмий амалий журнал) 1-сон 2021 йил.

² Одил судлов (Ҳуқуқий илмий-амалий нашр) № 10/2020, 3-бет



янада такомиллаштирилмоқда.

Ўтган давр мобайнида қуйидаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятида замонавий рақамли технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари деб ҳисобласак муболаға бўлмайди:

- Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Судлар тўғрисида”ги № 924-ХП-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни № 560-П-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни № 562-П-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни № 611-П-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги № ПФ-3080-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги № 256-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 181-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 346-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сон қарори;

- “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2014 йил 5 май, ЎРҚ-369-сон);

- “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон);

- “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўзгача қўйиш деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2015 йил 9 июнь, ЎРҚ-388-сон).

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-



тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сонли Қарори¹.

Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятида замонавий рақамли технологияларни жорий этишнинг босқичини Республикамизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар ва қўрилаётган чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги 3 та босқичга бўлиш мумкин:

1. Дастлабки босқич;

2. Ривожланиш босқичи;

3. Юқори босқич.

1. Дастлабки босқич - ушбу босқичга Республикамизда судлар фаолиятида рақамли технологияларни жорий этилган дастлабки давр бўлиб, ушбу давр 1993-2013 йилларни ўз ичига олади.

Аввало, 2005 йилдан бошлаб хўжалик судларида ички электрон маълумот базаси ишга туширилиб, электрон иш юритишга дастлабки қадам қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2005 йилдан бошлаб хўжалик судларида ички электрон маълумот базаси ишга туширилиб, электрон иш юритишга дастлабки қадам қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.²

Айнан ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги 346-сон Қарори ижросини таъминлаш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини, хусусан, электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш, соҳага оид ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш, суд соҳасида интерфаол хизматларни тақдим этиш мақсадида 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТ ТД томонидан «E-SUD» Миллий электрон судлов ахборот тизими яратилди.

«E-SUD» ахборот тизимини жорий этиш натижасида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судида буйруқ тартибида иш юритиш жараёни, яъни судга аризани топшириш, аризани қабул қилиш, қайта ишлаш, процессуал актларни (суд ажрими ёки суд буйруғи) қабул қилиш ишлари тўлиқ автоматлаштирилди.

Буйруқ тартибида иш юритишни автоматлаштириш доирасида суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги талабни кўриб чиқиш юзасидан 11 та ариза ва 4 турдаги ажримларнинг шаблонлари ишлаб чиқилди ва тизимга киритилди. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси ўз ишини бошлади. Ушбу лойиҳанинг мақсадлари илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва жорий этиш асосида республикамиз судлов тизимининг очиқлигини таъминлаш, суд органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд тизими қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда суд тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали миллий электрон судловни жорий этишдан иборат.³

2. Ривожланиш босқичи - ушбу босқич 2014-2018 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда ҳам судлари фаолиятида замонавий рақамли технологияларни жорий этишга оид бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва соҳавий тадбирлар амалга оширилган.

Хусусан, “Е-СУД” тизими 2014 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ тараққиёт дастурининг

¹ <https://lex.uz/docs/4979896>

² <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8295-tadbirkorlar-huhuqlari-qonun-himoyasida>
<https://xs.uz/uz> (Халқ сўзи онлайн)

³ “E-SUD” Миллий электрон судлов ахборот тизими (фойдаланувчилар учун амалий қўлланма) Тошкент-2015, 9-бет



“Ўзбекистонда қонун устуворлигига шериклик” қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда. Унинг асосий вазифалари судларга тақдим этилган даъво аризалари, шикоят ва илтимосномаларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, суд тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, адолатнинг эркинлигини ошириш, фуқаролар учун янада қулай ва қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат. 2018 йилдан бошлаб тизим мамлакатнинг барча 75 туманлараро, туман (шаҳар) ва 14 вилоят фуқаролик судларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.¹

Электрон базалар модернизациялаштирилиб, 2014 йилнинг январь ойидан хўжалик судлари фаолияти ҳақидаги тўлиқ маълумотларни бирлаштирган “Е-Нужат” онлайн электрон ҳужжатлар айланиш тизими фаолияти йўлга қўйилди. Бу билан хўжалик судларида электрон иш юритиш ягона корпоратив тармоқ, яъни марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси орқали амалга оширилиши жорий этилди. Тадбиркорлик субъектлари ҳамда барча суд процесси иштирокчиларига қулайликлар яратиш мақсадида 2014 йил 1 сентябрдан хўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиши тизимимизда энг замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ишларини янги босқичга кўтарди. 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан хўжалик судларининг суд буйруғи ҳамда ижро варақасини электрон шаклда юбориш ва қабул қилиш имконияти яратилганлиги ҳам мазкур саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди. Бунгача амалда бўлган тартиб кўп вақт ҳамда меҳнатни талаб этган бўлса, эндиликда у анча соддалаштирилди. Суд буйруғи ёки ижро варақаси ягона электрон маълумотлар базаси орқали судья компютерида автоматик тарзда тайёрланади, у судьянинг электрон рақамли имзоси билан имзолаштирилади. Электрон шаклдаги ижро ҳужжати хўжалик судлари ягона электрон маълумотлар базасида автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилиб, унинг тўлиқ ҳисоботини юритиб бориш йўлга қўйилган.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланган.

Мазкур Қарор билан судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, судлар фаолиятига жорий этилган ягона марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси судларда ишларнинг ўз вақтида кўрилишини мониторинг қилишнинг самарали тизимини яратишда, судлов ишларини юритишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлашда ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўришда, шунингдек судлар ишларини автоматлаштиришда ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, судлар фаолиятига жорий этилган марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси орқали судларнинг қуйидаги асосий соҳалари ҳам тўлиқ автоматлаштирилди:

Судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизмат турларидан бир манзил асосида фойдаланиш, аҳолини судлар томонидан кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари билан ягона манзил асосида хабардор қилиб бориш, судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизмат турларидан фойдаланиш тартибини соддалаштириш мақсадларида Олий суднинг Интерактив хизматлари портали (my.sud.uz) жорий этилди.

Портал орқали аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига қуйидаги интерактив хизматлар кўрсатилади:

2018 йил январь ойида «Мурожаат» (exsud.uz) рукни асосида судларга мурожаатларни электрон шаклда юбориш, уларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш ва суд қарорларини электрон шаклда олиш имконияти яратилди;

2018 йил январь ойида «Намуналар» (template.sud.uz) рукнига фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилиш учун даъво ариза ва аризалар намуналари

¹ <https://sud.uz/ru/sistema-elektronnogo-sudoproizvodstvo/> (мурожаат этилган сана 13.05.2020)

² <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8295-tadbirkorlar-huhuqlari-qonun-himoyasida> <https://xs.uz/uz> (Халқ сўзи онлайн)



жойлаштирилган.

2018 йил январь ойида «Калькулятор» (calculate.sud.uz) рукнига фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат учун тўланиши лозим бўлган давлат божини автоматик равишда ҳисоблайдиган электрон калькулятор жойлаштирилган.

2018 йил апрелдан бошлаб, Олий суд ва Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини мажбурий ижро бюраларига судьяларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда юбориш ҳамда уларнинг ижросига доир маълумотларни онлайн тарзда олиш амалиёти жорий этилди.

2018 йил сентябрь ойида «Мажлислар жадвали» (jadval.sud.uz) рукни орқали биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларида суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхати билан онлайн равишда танишиш имконияти яратилди.

2018 йил октябрдан бошлаб, биринчи инстанция судларида ишларни судьялар ўртасида инсон омилиси, адолатлилиқ ва ҳолислиқ тамойиллари асосида автоматик тарзда тенг тақсимлаш имкониятини берувчи дастурий таъминот фаолиятга тўлиқ жорий этилди.

Жиноят ишлари бўйича судларда 75 506 та, фуқаролик ишлари бўйича судларда 363 034 та, маъмурий судларда 979 300 та ва иқтисодий судларда 444 236 та, жами 1 862 076 та иш судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланган;

2018 йил декабрь ойида «Қарорлар тўплами» (public.sud) рукни орқали қонуний кучга кирган суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш амалиёти жорий қилинди.¹

3. Юқори босқич - 2019-2021 йилларни ўз ичига олиб, айнан ушбу босқичда мазкур соҳада кескин бурилиш содир бўлди.

2019 йил январь ойидан ишга доир ҳужжатларни фақат электрон шаклда сақлаш ва ишларнинг электрон архивини яратиш мақсадида иқтисодий судларда ишларни электрон кўринишда шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди.

2019 йилнинг 1 февралидан бошлаб, маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан тўпланган ҳужжатларга доир маълумотларни судларга юбориш ва ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ ахборотларни олиш фақат интеграция қилинган ахборот тизими орқали электрон шаклда амалга ошириш тартиби жорий этилди ва 639 та маъмурий иш ҳақидаги маълумотлар айнан шу тизим орқали келиб тушган;

2019 йил апрель ойида «Электрон тўлов тизими» (billing.sud.uz) рукни орқали қуйидаги қулайликларни яратиш мақсадида давлат божлари ва судга мурожаат қилишдаги йиғимлар суммаси ҳисобини юритиш учун ягона электрон тўлов тизими жорий этилди:

- Судга мурожаат қилганлик учун тўловларни амалга оширишда банк ҳисоб-рақамлари ва бошқа реквизитлар қўлда тўлдирилмайди.

амалга оширилган тўловлар учун банклар томонидан тўлов амалга оширилганлиги ҳақида алоҳида тасдиқ талаб этилмайди;

- тўловлар исталган усулда (жумладан «CLICK», «Payme» ва «Ura» электрон мобил тўлов тизимлари орқали) амалга оширилиши мумкин;

- суд қарорига асосан ундирилиши белгиланган тўловлар ҳам мазкур тизим орқали амалга оширилади ва буни тасдиқловчи маълумотни судга тақдим этиш шарт бўлмайди.

Мазкур тизим фуқаролар ҳамда тадбиркорларга судга мурожаат қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тўловларни тезкорлиги ва аниқлигини таъминлашга хизмат қилади.

2020 йилнинг февраль ойида «Электрон қабул» (qabul.sud.uz) рукни орқали масофадан туриб Олий суд раҳбариятининг шахсий қабулига онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш тизими жорий этилди.

2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб, тергов органлари томонидан жиноят ишлар юзасидан тўпланган ҳужжатларга доир маълумотларни судларга юбориш ва ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ ахборотларни олиш фақат интеграция қилинган ахборот тизими орқали электрон шаклда амалга ошириш йўлга қўйилди.

2020 йил 1 июндан судларда электрон шакллантирилган ишларни алоҳида электрон архивини яратиш мақсадида электрон шаклда кўрилган ишларнинг ахборот тизимида электрон архиви яратилди.

¹Одил судлов (Ҳуқуқий илмий-амалий нашр) № 3/2021, 32-34 бетлар.



2020 йил июнь ойида «Онлайн кузатув» ([my.sud.uz/# monitoring](http://my.sud.uz/#monitoring)) рукнига мурожаатларни судларга тақдим этиш шаклидан қатъий назар уларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш имконини берувчи ахборот тизими синов тариқасида жойлаштирилган.

2020 йил октябрь ойида «Видеоконференцалоқа» (vka.sud.uz) рукни орқали замонавий воситалар (гаджетлар)дан фойдаланган ҳолда дунёнинг исталган нуқтасидан туриб суд мажлисларида иштирок этиш имконини берувчи мобил видеоконференцалоқа синов тариқасида жорий этилди.

2020 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, судлар ва жазони ижро этиш муассасалари ўртасида видеоконференцалоқа тизими ўрнатилди.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, мазкур соҳани кейинги босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз томонидан 2020 йил 3 сентябрда «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4818-сонли Қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарор билан қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

Қайд этилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мазкур Қарор билан қуйидагиларни назарда тутувчи 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва касеация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS хабар орқали бепул хабардор қилиш»;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш.

Шунингдек, қарор билан қуйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди:

28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни



электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Булардан ташқари, қарорда 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи «Адолат» ахборот тизимлари комплексини жорий этиш белгиланди:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш.

Судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичидаги муҳим вазифаларидан суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, шунингдек видеоконференцалоқа режими орқали жазони ижро этиш муассасаларида жойлашган шахсларни бевосита улар жойлашган жойдан туриб суд мажлисларида, шунингдек суд раҳбариятининг шахсий кабулларида иштирокини таъминлаш тизимини яратишдир.

2021 йил январь ойидан бошлаб, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тизими жорий этилди.

2021 йилнинг январь ойи ҳолатига 17 та давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизими билан интеграция қилиш орқали муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш тартиби жорий этилди.¹

1 Одил судлов (Ҳуқуқий илмий-амалий нашр) № 3/2021, 33-36 бетлар.



KORRUPSIYA - TARAQQIYOT KUSHANDASI

Davletova Bikajon Tursunbayevna

Xorazm viloyati Urganch shahar
23-son umumiy o'rta ta'lim maktabining
Davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada korrupsiya o'ta yomon illat ekanligi, dinimizda ham uning qoralanganligi, yurtimizda unga qarshi olib borilayotgan ishlar va qabul qilingan qarorlar haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: korrupsiya, jamiyat, taraqqiyot, pora, manfaat, qaror, mansabdor.

Har bir oila va jamiyatning o'z tartib – tizginilari bo'ladi. Uni bilmaslik va unga rioya qilmaslik insonni mudhish illat va kulfatlarga sabab qilishi tayin. Taraqqiyotga to'siq, sohalar rivojiga g'ov bo'ladigan illatlardan biri korrupsiyadir. Uning zararli oqibatlarini tushuntirish va unga nisbatan barchada keskin kurashish tuyg'usini uyg'otish muhim masaladir.

Yuridik ensiklopediyalarda “Korrupsiya” – (lotincha: corrumpo – aynish, poraga sotilish) mansabdor shaxslar o'zlariga berilgan lavozimlaridan foydalanib, o'zining shaxsiy manfaatlarini o'ylab boylik orttirish maqsadida mamlakat qonunlariga qarshi keladigan har xil pora olish, pora berish jinoyatlari bilan shug'ullanish deb tariflangan.

Korrupsiya – nihoyatda ijtimoiy-siyosiy vayronkor kuch, uning oqibatida milliy iqtisodiyotga putur yetadi, ijtimoiy tengsizlik chuqurlashadi, xalqning davlat boshqaruvi hokimiyati organlariga ishonchi yo'qoladi, uyushgan jinoyatchilik kuchayadi, jamiyatda ma'naviyat izdan chiqa boshlaydi. Korrupsiya oqibatida kelib chiqadigan noxush hodisalar ro'yxatini yana davom ettirish mumkin. Korrupsiya buzg'unchilik tabiatiga ega ekani uchun ham insoniy jamiyat qadim zamonlardan boshlab unga qarshi kurashib keladi.

Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra korrupsiyaga qarshi kurash ilk bor miloddan avvalgi XXIV asrda Mesopotamiyaning Lagash degan shahar-davlatida boshlangan, lekin taassufki, barcha sa'y-harakatlar zoe ketgan. Keyingi zamonlarda ham korrupsiyaga qarshi qancha-qancha kurashlar yuz berdi, lekin ular besamar yakun topdi. Islom dinida ham pora harom qilingan, bu borada hadislar ham juda ko'p. Ulardan biri Payg'ambarimizning mana bu qarg'ishlaridir: “Pora beruvchiga ham, pora oluvchiga ham Allohning la'nati bo'lsin”. Yana ul zot aytadilar: “Pora beruvchini ham, pora oluvchining ham, ikkovi orasida yurib porada vositalik qiluvchini ham Alloh la'natlasin”.

Alisher Navoiyning zamondoshi, podshoh Husayn Bayqaroning voizi Husayn Voiz Koshifiy o'zining “Axloqi muhsiniy” asarida shahzodaga nasihat tariqasida quyidagi pandni bergan edi: “Ummollardan (ish yurituvch amaldorlar) pora olishdan ehtiyot bo'lsin. Bilsinki, to bir kishi boshqalardan pora olmasa, boshqaga pora bermaydi. Agar vazir pora olishga sabab bo'lsa, pora olishga ruxsat bergan bo'ladi. Pora berish va pora olish haromdir. Va pora olgan pora bergandan yomonroq bo'ladi, chunki oluvchi beruvchi oldida zabun bo'ladi”.

XX asrga kelib Shvetsiya, Singapur, Yangi Zelandiya, Shvetsariya kabi mamlakatlarda korrupsiyani qattiq jilovlashga muvaffaq bo'lindiki, mazkur davlatlar fuqarolari va davlati orttirgan tajriba barchani korrupsiyaga qarshi kurashga ruhlantirmoqda.

O'zbekistonda ham korrupsiyaning oldini olishga qaratilgan xalqaro hujjatlar ratifikatsiya qilindi. Korrupsiya va jinoyatchilikka qarshi milliy qonunchilik tizimi yaratildi. Xususan, mamlakatimizda 2008-yil 7-iyulda BMTning “Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish Milliy dasturi”ni qabul qilindi. Bu davlatimiz hamjamiyat bilan yelkama yelka turib korrupsiyaga qarshi kurashishligini bildirdi. Shu maqsadda mamlakatimizda chet el tajribasini hisobga olgan holda korrupsiyaga qarshi kurashishning huquqiy asoslarini yanada takomillashtirish maqsadida 2017-yil 3-yanvar kuni “Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilindi. Shuning bilan birga, korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Davlat dasturi tasdiqlandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 2-fevraldagi 2752-sonli qarori bilan tasdiqlangan korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Davlat dasturini amalga oshirish bo'yicha IV bo'lim 30 banddan iborat ish – rejasini qabul qilinib, hozirgi kunda ish reja asosida samarali ishlar olib borilmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning korrupsiyaga qarshi kurash sohasidagi amalga oshirilgan islohatlari – barcha davlat boshqaruvi organlarining ochiqqligini ta'minlash, bu organlarning asosiy



yo‘nalishi sifatida xalq xizmatini qilish sifatida belgilab qo‘yilishi, sud va huquqni himoya qilish organlarining xalq oldida ma‘ulligi va hisob berib borish prinsiplarining o‘rnatilishi muhim jarayonlardan biri bo‘ldi. Korrupsiya qarshi kurash bilan nafaqat huquqni muhofaza qiluvchi idoralar, balki har bir jamoa jiddiy kurashishi kerak. Shuning uchun har bir davlat idorasida jamoatchilik tomonidan nazorat qilinadigan korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha o‘z ichki dasturlari bo‘lishi shart deb takidlab o‘tilgan.

Hozirgi davrda O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha quyidagi idoralar samarali ishlar olib borilmoqda. Ular quyidagilar:

- 1) Ichki ishlar vazirligi.
- 2) Davlat xavsizlik xizmati.
- 3) Prokuratura.
- 4) Adliya vazirligi.

Bu idoralarning samarali ishlar olib borishida jamiyat ham befarq bo‘lmasdan, ularga qo‘lidan kelgan yordamini berishi zarur. Bu samarali ishlar orqali yaqin kelajakda O‘zbekistonda ham korrupsiyaning ildizlaridan butunlay halos bo‘lamiz deb o‘ylayman.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh.Mirziyoyev “Harakatlar strategiyasi 2017-2021y”. 2017-yil.
2. Sh.Mirziyoyev Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi faravon bo‘ladi. Toshkent-«O‘zbekiston». 2019-yil.
3. Televideniye materiallari.



КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Икромов Сабохат Бахтиёр кизи,
Телефон: +998889900412

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada hozirgi kunda har bir davlatda dolzarb muammo va jadal rivojlangan hamda, chuqur ildiz otib kelayotgan illatni kengroq muhokama qilamiz.

KALITSO'ZLARI: Davlat, Demokratiya, korrupsiya, qonun ustuvorligi, Jamiyat, Demokratiya va huquq, terrozim, korrupsiya tarixi, manfaatlar to'qnashuvi, korrupsiyaga qarshi prinsiplar,

Hammaga ma'lumki hozirgi kunda Korrupsiya illati nafaqat biz balki barcha davlatlarning eng dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Korrupsiya (lot. Corruptere — buzmoq) termini odatda mansabdor shaxslar tomonidan unga berilgan mansab vakolatlari va huquqlardan o'zlarining shaxsiy manfaatlarini ko'zlab qonunchilik va ahloq qoidalariga zid ravishda foydalanishini anglatadi. Shuningdek, korrupsiya illati barcha sohada bor deb bemalol ayta olamiz. Biz shularni ko'ra turib bilmaganlikka olamiz. Hozirgi kunda har bir shaxs korrupsiyaga duch keladi lekin buni bila turib beparvo bo'ladi. Bunga sabab aholi huquqiy savodxonligining pastligi aholi tomonidan qonunlarni bilmaslik yokitushunmaslik mansabdor shaxsga o'zining shaxsiy manfaati yo'lida qonunlardan foydalanishga qulay sharoit yaratadi. Shu bilan birga korrupsiyaga davlatda o'gir turdagi jazoning mavjud emasligidadur. Korrupsiya bu — jamiyatni turli yo'llar bilan iskanjaga oladigan dahshatli illatdir. Mazkur illat demokratiya va huquq ustuvorligi asoslariga putur yetkazadi, inson huquqlari buzilishiga olib keladi, bozorlar faoliyatiga to'sqinlik qiladi, hayot sifatini yomonlashtiradi va odamlar xavfsizligiga tahdid soladigan uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va boshqa hodisalar ildiz otib, gullashi uchun sharoit yaratib beradi. Albatta Korrupsiya hozirgi kunda davlatda chuqur ildiz otib ketgan. Bu ildizni quritish uchun faqat davlat organi xodimlari yoki mansabdor shaxslar emas davlatda yashayotgan har bir shaxs birgalikda harakat qilishi kerak. faqat ular ega bo'ladi”.

Umuman olganda, korrupsiya hodisasiga so'zning keng ma'nosida yondashadigan bo'lsak, bu shunchaki jinoyat yoki huquqbuzarlik emas, balki ma'naviy buzilish holatidir.

O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev korrupsiya borasida shunday deganlar. “Qonun ustuvorligini ta'minlash va korrupsiyaga qarshi qat'iy kurashish bo'yicha muhim takliflarni ilgari surdilar. Korrupsiyaga qarshi kurashishda aholining barcha qatlami eng yaxshi mutaxassislar jalb qilinmas ekan jamiyatimizning barcha a'zolari ta'bir joiz bo'lsa, halollik vaksinasi bilan emlanmas ekan o'z oldimizga qo'ygan yuksak marralarga erisha olmaymiz. Biz korrupsiyani butkul tagi bilan yo'q qilishimiz kerak” - deb ta'kidlab o'tdilar.

Korrupsiya xususan, demokratik jarayonlarining amalga oshirishga to'sqinlik qiladi, biz buni yaxshi bilamiz. Iqtisodiy rivojlanishga sekinlashishi, ya'ni kadrlar sifatining pasayishi va oqibatida barcha sohalarining oqsayishiga hamda uyushgan jinoyatchilikning mukammal ildiz otishiga yo'l qo'yib beramiz.

Korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari

Korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari quyidagilardan iborat:

qonuniylik;

fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarining ustuvorligi;

ochiqlik va shaffoflik;

tizimlilik;

davlat va fuqarolik jamiyatining hamkorligi;

korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlar ustuvorligi;

javobgarlikning muqarrarliligi.

Korrupsiyaning tarixiy o'zaklari juda qadimga borib taqalib, bu hol qabilada ma'lum mavqega ega bo'lish uchun qabila sardorlariga sovg'alar berish odatidan kelib chiqqan deb taxmin qilinadi. O'sha davrlarda bu normal holat sifatida qabul qilingan. Biroq davlat apparatining murakkablashuvi va markazlashuvi korrupsiyaning davlat rivojlanishiga katta to'siq ekanligini ko'rsatdi.

Jahon mamlakatlarida korrupsiyaga qarshi kurashning quyidagi usullari mavjud.

Ichki nazorat — bu usul boshqaruv apparatining o'zida nazoratni kuchaytiruvchi tuzilmalar (har xil ichki inspeksiya va boshqa nazorat organlari tuzish orqali) yaratishni taqazo etadi. Bu tuzilmaning asosiy vazifasi xodimlarning ichki etiket qoidalariga rioya qilishini nazorat qilishdir. Hozirgi kunda bizning yurtimizda ham bir qator huquqni muhofaza qilish organlarida aynan shu



vazifani bajaruvchi ichki tuzilmalar yaratilgan.

Tashqi nazorat — bu usulda ijro apparatidan mustaqil tuzilmalarning mustaqilligini oshirish nazarda tutilib, aynan ushbu tuzilmalar orqali korrupsiyaga qarshi samarali kurash olib boriladi. Ya’ni, sud hokimiyatining maksimal darajada mustaqilligiga erishish ommaviy axborot vositalariga ko’proq erkinlik berish va h.k.

Saylov tizimi orqali kurashish — demokratik davlatlarda saylangan vakillarni korrupsiya uchun jazolashning asosiy usullaridan biri keyingi saylovlarda unga ovoz bermaslik hisoblanadi. Korrupsiyaga saylovlar orqali ta’sir o’tkazish eng samarali usul hisoblanadi.

Korrupsiyaga qarshi kurashda yuqori natijalarga erishgan Shvetsiya, Singapur, Gonkong, Portugaliya kabi davlatlarning tajribasini o’rganish shuni ko’rsatadiki, korrupsiyani yuzaga keltiruvchi omillarni bartaraf etish korrupsiyaga qarshi kurashda muhim o’rin egallaydi.

Bunda Konstitutsiyaviy nazorat organlari, huquq-tartibot organlarining ahamiyati ortadi. Ya’ni, korrupsiyaga olib kelishi mumkin bo’lgan normalarni konstitutsiyaviy nazorat organi tomonidan konstitutsiyaga zid deb topish, aholining huquqiy savodxonligini oshirish kabi metodlardan unumli foydalanish ushbu davlatlarni korrupsiya darajasi juda past bo’lgan davlatlar qatoriga olib chiqqan.

Demak, poraxo’rlik bu - pora olish, pora berish, bu ishda vositachilik qilish kabi mansabdorlik jinoyatlari hisoblanadi. O’zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga ko’ra u boshqaruv tartibiga ko’ra qarshib jinoyatlar sirasiga kiradi. Jinoyat manfaatini ko’zlab bajarishi yoki bajarmasligi evaziga shaxsan o’zi, yoki mulkiy naf ko’rish tushuniladi. Bunday jinoyat uchun - eng kam oylik ish haqining 50 baravaridan 100 baravarigacha miqdorda jarima yoki muayyan huquqdan mahrum etilgan holda 5 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi belgilangan. Ushbu jinoyat og’irlashtiruvchi holatlarda sodir etilganda 10 yildan 15 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi tayinlanadi. (O’zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi, 210-modda)

Bunda korrupsiyaga qarshi kurashish faoliyatining maqsadi va ob’ekti sifatida alohida olingan korrupsioner emas, balki ushbu xatti-harakatlarni amalga oshirishga sharoit yaratib beruvchi holatlarini bartaraf qilish va profilaktik oldini olish choralari namoyon bo’lishini anglagan holda harakat qilmog’imiz lozim bo’ladi.

TAKLIF: Shu bilan birga Korrupsiyani bartaraf qilish uchun Jinoyat Kodeksiga o’zgartirish kerak deb o’ylayman. Ya’ni bunda Korrupsiya jinoyatini sodir etgan shaxs yoki shaxslarga nisbatan og’irroq jazo tayinlanishi kerak. Jumladan, bu jinoyat haqida o’ylamasliklari ham kerak. Yani Jinoyat kodeksi Maxsus qismining 210-211- moddalarining sanksiya qismiga ya’ni korrupsiya jinoyati sodir etgan shaxs ishlayotgan lavozimidan chetlashtirilishi va butun umri davomida hech qanday ishga kira olmaslik jazosi qo’llanilishi kerak deb o’ylayman. Masalan, har bir shaxs ishidan ayrilib qolishini istamaydi. Bu korrupsiyani yo’qolishiga katta yordam berishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. religions.uz
2. anticorruption.uz
3. O’zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi
4. Korrupsiyaga qarshi kurashish to’g’risidagi qonun



HOKIMIYATLAR BO‘LINISHINING NAZARIY-HUQUQIY JIHATLARI

Mamaraimov Javohir Azamjon o‘g‘li,

Toshkent davlat yuridik universiteti 1-bosqich talabasi

“M.Najimov” ilmiy maktabi a’zosi

Tel: +998974555152

javohir5152@mail.ru

Annotatsiya: Mazkur maqolada hokimiyatlar bo‘linishi prinsipining kelib chiqishi, mamlakatimizda hokimiyatlarning bo‘linishi, bir birini o‘zaro tiyib turish va qarama-qarshi ta’sir etishi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Qonun chiqaruvchi hokimiyat, ijro etuvchi hokimiyat, sud hokimiyati, hokimiyatlar bo‘linishi.

Davlat hokimiyatining bo‘linish prinsipining jamiyatda amalda ro‘yobga chiqarilishi, ya’ni hokimiyatlar bo‘linishining amalga oshirilishi har qanday davlatning demokratik xususiyatini belgilaydigan omillardan biri hisoblanadi. Davlat hokimiyatining bo‘linishi g‘oyasi insoniyatning buyuk aql egalari tomonidan ilgari surilgan ilg‘or tarixiy g‘oyalardan biridir. Hokimiyatlar bo‘linishi g‘oyasining shakllanishiga ingliz faylasufi Jon Lokk va Fransuz faylasufi Sharl Lui Monteskyening qarashlari katta ahamiyatga molikdir.

Ingliz faylasufi J.Lokkning fikricha, “hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va federal turlarga bo‘linishi inson huquqlarini ta’minlashning muhim vositalaridan biri sanaladi. Lokk bu hokimiyat organlari uzviy aloqadorligini e’tirof qilgan holda, qonun chiqaruvchi hokimiyatning ijro etuvchi hokimiyatdan ustunligini ta’kidlaydi va sudni ijro hokimiyatining tarkibiy qismi deb hisoblaganligi sababli uni alohida e’tirof etmagan” [1].

Fransuz faylasufi Sh.Monteskyening fikricha, adolatli qurilgan davlatda hokimiyat yagona emas, balki, aksincha, bir-biriga tobe bo‘lmagan uchta hokimiyat – qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyati bo‘lishi shart. Ularning har qanday ko‘rinishda biron-bir organ yoki shaxs qo‘lida mujassamlanishi umumiy manfaatlariga putur yetkazadi, suiiste’molliklarga olib keladi va shaxsning siyosiy erkinligi bilan aslo kelishmaydi. Qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi hokimiyatlarning bir qo‘lda birlashtirilishi qonunning ustun bo‘lishiga zarar yetkazadi, bordi-yu, sudyalari faqat sudlov bilan mashg‘ul bo‘lmay, qonun yaratish ishi bilan shug‘ullansalar, u holda insonlar hayoti nohaqlik qurboniga aylanishi mumkin.

Yana bir mutafakkir Jan Jak Russoning davlat va huquqqa qarashlari, umuman olganda Monteskyening siyosiy fikrlaridan ko‘ra ancha radikalroq bo‘lganligi ma’lum. U o‘zidan oldingi ilg‘or mutafakkirlar fikridan ham ilgarilab, o‘z nazariyasiga asos qilib, xalq suvereniteti g‘oyasini oladi. Russoning siyosiy-huquqiy fikrlarga qo‘shgan buyuk hissasi birinchilardan bo‘lib, davlat bilan fuqarolik jamiyati o‘rtasidagi farqni anglaganligi va uni yoritishga intilganligidadir, deyish mumkin.

Shunday qilib, XVII-XVIII asrlarda hokimiyatlar bo‘linishi to‘g‘risidagi g‘oyalar rivojlantirilib, yaxlit, tugallangan bir ta’limot sifatida shakllangan va o‘sha davr siyosiy-huquqiy fikriga hamda davlatchilik amaliyotiga katta ijobiy ta’sir eta boshlagan.

Huquqshunos olim Sh.Saydullayevning fikricha, “yagona davlat hokimiyati mustaqil va bir-biriga bo‘ysinmaydigan qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo‘linadi (ular bilan bir qatorda ba’zan ta’sis etuvchi, saylovchi va nazorat hokimiyati ham ajratiladi). Ushbu prinsipning vazifasi davlat hokimiyati to‘laligicha bir shaxs yoki organ qo‘lida jamlanishiga yo‘l qo‘ymaslikdan iborat. Zero, hokimiyatning to‘liq bir shaxs yoki organ qo‘lida jamlanishi demokratiya va inson huquq hamda erkinliklariga bevosita xavf tug‘diradi, avtoritar tuzim o‘rnatilishiga olib keladi” [2].

“Hokimiyatning bo‘linishi, hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud organlari o‘z vakolatlari doirasida mustaqil ekanligi hamda bir-birining ishlariga aralasha olmasligini bildiradi. Ayni paytda ushbu organlar vakolatlari shundayki, ular bir-biridan xoli harakat qila olmaydi va davlat hokimiyati uch mustaqil tarmoq kooperatsiyasi jarayonida amalga oshiriladi” [3].

Bu qonuniy xoldir. Misol uchun, agar ijro etuvchi va sud hokimiyatlarining tegishli ishlari bo‘lmas ekan, qonun chiqaruvchining faoliyati qoniqtiradigan darajada samarali bo‘lmaydi. Shu bilan birga, Qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi hokimiyatlarsiz odil sudlovni amalga oshirishning deyarli imkoni yoqdir.



Xususan huquqshunos olim X.T Odilqoriyevning hokimiyatlar bo‘linishi haqidagi fikri quyidagicha, “Monteskye ta’limotida alohida o‘rin tutadigan g‘oya – hokimiyatlarning muvozanati, tengligi hamda ularning “o‘zaro tiyib turish va qarama-qarshi ta’sir etish sistemasi” haqidagi g‘oyadir. Yuqorida zikr etilgan hokimiyatlar o‘rtasida shunday munosabat o‘rnatilmog‘i lozimki, bunda ularning har biri davlat vazifalarini mustaqil o‘tash bilan birgalikda, o‘z huquqiy vositalari yordamida bir-birlarini muvozanatda ushlab turadilar, hokimiyat vakolatlarining birgina muassasa tomonidan qonunsiz ravishda tortib olinishi (uzurpatsiya qilinishi)ni bartaraf etadilar. O‘z navbatida, qonun chiqaruvchi organ qonunlarning ijro etuvchi organ tomonidan qanday bajarilayotganligi ustidan nazorat qilish vakolatlariga ega, hukumat esa, parlamentga hisob berishga majbur” [4].

Bizning fikrimizcha, hokimiyatning tarmoqlarga eng yaxshi taqsimlanishi “o‘zaro tiyib turish va qarama-qarshi ta’sir etish sistemasi” yordamida amalga oshiriladi. Ushbu sistema hech qaysi hokimiyat organining boshqa hokimiyat organlari ustidan hukmron bo‘lishiga, huquqni va konstitutsiyani oyog‘ osti qilishga yo‘l qo‘ymaydi. Shuni ta’kidlab o‘tish joizsi, AQSh Konstitutsiyasida hokimiyatlarning taqsimlanishi prinsipi o‘zining eng aniq ifodasini topgandir.

Huquqshunos olim Z.M.Islomovning fikricha, “Muayyan bir davlatda hokimiyatning bo‘linishi yagona davlat siyosatini amalga oshirishda jamuljam holda **cheklov** va **muvozanat** tizimining namoyon bo‘lish mexanizmini tarkib toptiruvchi vositalar bilan ta’minlanadi. Odatda, quyidagilar shunday vositalarning qisqacha ifodasi hisoblanadi:

1. Hokimiyatning bo‘linishi prinsipini, hokimiyat uch tarmog‘ining o‘zaro munosabati doirasida har bir hokimiyatning huquqlari chegarasini aniq ko‘rsatgan, cheklovlar va muvozanat vositalarini belgilagan holda, konstitutsiyaviy mustahkamlash. Bunda muayyan bir davlatda konstitutsiya maxsus tuzilgan tashkilot (konstitutsiyaviy assambleya, konvent, ta’sis yig‘ilishi va hokazolar) tomonidan qabul qilinishi muhim. Bu hol qonun chiqaruvchi hokimiyat o‘z huquq va majburiyatlarini o‘zi belgilamasligi uchun zarur.

2. Hokimiyat tarmoqlarining hokimiyat vakolatlari doirasini yuridik jihatdan cheklash. Hokimiyatning bo‘linishi prinsipi hokimiyatning bironta ham tarmog‘i cheksiz vakolatlarga ega bo‘lishiga yo‘l qo‘ymaydi: bu vakolatlar konstitutsiya bilan cheklanadi. Qonun chiqaruvchi organning asosiy funksiyasini – insonning shaxs sifatidagi qadr-qimmatini (fuqarolik, siyosiy huquq va erkinliklarini) ta’minlovchi sharoit yaratish va uni saqlab turish ham konstitutsiyada belgilanadi.

3. Hokimiyat organlarini kadrlar bilan to‘ldirishda o‘zaro ishtirok etish. Bu vosita qonun chiqaruvchi hokimiyat ijro etuvchi hokimiyatning yuqori mansabdor shaxslarini shakllantirishda ishtirok etishdan iboratdir.

4. Ishonch yoki ishonchsizlik votumi (bildirilishi). Ishonch yoki ishonchsizlik votumi – qonun chiqaruvchi hokimiyat organida hukumatning siyosiy yo‘lni, belgilangan xatti-harakatini yoki qonun loyixasini ma’qullash, yoxud ma’qullamaslik bo‘yicha ko‘pchilik ovoz bilan ifodalangan iroda.

5. Veto huquqi. Veto – bir hokimiyat organi tomonidan boshqasining so‘zsiz yoki kechiktirgan holda taqiqlanishi. Davlat boshlig‘i, shuningdek, ikki palatali tizimda yuqori palata quyi palata qarorlariga nisbatan veto huquqidan foydalanadi.

6. Konstitutsiyaviy nazorat. Konstitutsiyaviy nazorat davlatda bironta ham hokimiyat konstitutsiya talablarini buzmasligini kuzatishga da’vat etilgan maxsus organ borligini bildiradi.

7. Davlat yuqori mansabdor shaxslarining siyosiy javobgarligi. Siyosiy javobgarlik konstitutsiyada siyosiy faoliyat uchun ko‘zda tutilgan javobgarlikdir. Yuqori mansabdor shaxslarni javobgarlikka tortish va ularning qonunbuzarligi to‘g‘risidagi ishlarni sudda ko‘rib chiqish tartibidan iborat bo‘lgan impichment siyosiy javobgarlikning keng yoyilgan turidir.

8. Sud nazorati. Qabul qilgan qarori shaxs huquqiy maqomiga, inson qadr-qimmatiga salbiy ta’sir qiladigan har qanday davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining faoliyati (ularning xatti-harakati konstitutsiyaviyligi to‘g‘risida uzil-kesil qaror chiqarish huquqi bilan) sud nazoratida bo‘lishi” [5].

Demak, bir-birini cheklovlar va muvozanat tizimini shakllantirishini hokimiyat bo‘linishining ma’nosi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

AQSh konstitutsiyasining bosh “me’mori”, keyin esa uning to‘rtinchi Prezidenti bo‘lgan Jeyms Medison shunday deb ta’kidlagandi: “Bugun hokimiyatning – qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va yuridik hokimiyatning bir qo‘lda jamlanishi to‘la asos bilan mustabidlik alomati deb hisoblash



mumkin” [6].

Qonunchilikka nazar tashlaydigan bo‘lsak, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 11-moddasiga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi davlat hokimiyatining tizimi hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo‘linishi prinsipiga asoslanadi.

Mamlakatimizda sudyalarning mustaqilligi va faqat qonunga bo‘ysunishi, ularning odil sudlovni amalga oshirish borasidagi faoliyatiga biron-bir tarzda aralashishga yo‘l qo‘yilmasligi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 112-moddasida mustahkamlangan. Shuningdek, sudyalar senator, davlat hokimiyatini vakillik organlarining deputati bo‘lishi, siyosiy partiyalarning a‘zosi bo‘lishi, siyosiy harakatlarda ishtirok etishi, shuningdek ilmiy va pedagogik faoliyatdan tashqari haq to‘lanadigan boshqa biron-bir faoliyat turlari bilan shug‘illanishi mumkin emasligi ham davlat hokimiyati bo‘linishi tamoyiliga mos ravishda Konstitutsiyada o‘z ifodasini topgan.

Ta’kidlab o‘tish lozimki, davlat hokimiyati organlarining kelishilgan holda faoliyat yuritishi hamda hamkorligini ta’minlash vazifasining Prezident zimmasiga yuklatilishi bu organning davlat rahbari hamda fuqarolarning huquqlari va erkinliklariga, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlariga rioya etilishining kafili ekanligidan kelib chiqadi. Shu ma’noda, akademik A.H.Saidov ta’kidlaganidek, “Prezident davlatni jipslashtirish, davlat hokimiyati mexanizmining barqarorligi va xarakatchanligini ta’minlashi lozim” [7].

Xulosa o‘rnida ta’kidlash lozimki, davlat hokimiyating bo‘linish prinsipi davlat hokimiyati organlarining muvozanati va tengligini ta’minlaydi. Lekin buning uchun u maqsadga muvofiq joriy etilishi lozim. Mazkur prinsipning oqilona ro‘yobga chiqarilishi orqali davlatda biror organ yoki shaxs tomonidan diktatura o‘rnatilishining oldi olinadi, davlat boshqaruvi amalga oshirilishining ideal muvozanati ta’minlanadi, davlat organlarining samarali faoliyat yuritishi uchun zamin tayyorlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Локк Дж. Избранные философские произведения. Т. 2. М., 1960
2. Saydullayev Sh.A. Davlat va huquq nazariyasi, – T., 2018.
3. Проблемы общей теории права и государства. М., «НОРМА», 2002
4. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi, – T., 2021
5. Islomov Z.M. Davlat va huquq nazariyasi, – T., 2007
6. Джон П. Френк. Что такое демократия? США, 1991
7. Saidov A.H. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy huquqi - T., 2005.



ЁШЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдурахманова Нодирахон Хуснутдиновна

Тошкент тиббиёт академияси

ижтимоий фанлар кафедраси

ўқитувчиси

тел.+998935460073

husnutdinovna@gmail.com

Annotation: It was noted that the reforms being carried out in our country, the effective use of the methods of legal education are important in a responsible period of change. In the era of globalization, scientific and innovative development, it is necessary to adequately use the unique methods of raising the legal awareness and legal culture of the population, the best positive practices of advocacy.

Keywords: state, society, law, civil society, law, legal education, globalization, scientific innovation, aesthetic vision, value, aspiration, knowledge, level.

Бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, ўзгаришлар юз бераётган масъулиятли даврда ҳуқуқий тарбиянинг турли шакл ва усуллари билан етарлича, самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бериб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Лекин фақат қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан қўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Хозирги глобаллашув, илмий-инновацион тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ўзгача усуллари билан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситалари билан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибалари билан етарли даражада фойдаланмаётганлигимиз юқоридаги фикрларимиз исботидир. Барчамизга маълумки, жамиятимиз тараққиётида фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ҳуқуқий маданият шахснинг сиёсий фаоллиги, демократик ислохотларга интилувчанлиги, чинакам фуқаролик позициясининг белгиси ҳисобланади.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жамиятимизда ёшларнинг ҳал қилувчи куч эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас, албатта. Бундан ташқари, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун ёш авлод онгига ҳуқуқ, бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини, ҳамда ахлоқ нормаларини чуқур синдириб бориш, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг муҳим жиҳатларини фарзандларимизга илк ёшидан бошлаб ўргатиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали давлатимизга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириб боришимиз керак.

Ундан ташқари яна бир муҳим масала, жиҳат борки, айрим ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ечимини топиши керак. Нафақат шаҳарда, пойтахтда балки, чекка вилоят ва шаҳарларда ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш, ҳар бир фуқарога, жисмоний шахсга қолаверса, аҳоли онгига чуқур синдириш ҳам қонун устуворлигини таъминлашга замин яратади.

Жамиятимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг асосий эътибор қаратишимиз керак бўлган жиҳатлар:



- **БИЛИМ**
- **ИНТИЛИШ**
- **МАЪНАВИЯТ**
- **ИММУНИТЕТ** деб ҳисоблайман.

Сабаби, агар жамиятдаги ҳар инсон етарлича билим олишга интилса, албатта уни эгаллайди. Инсонлар уртасида маънавий муҳит шаклланган бўлиши керак. Агар ушбу муҳитни яратсак, албатта ўз – ўзидан бизда турли хил регрессив ҳолатларга, салбий жараёнларга, омилларга қарши иммунитет шаклланади. Ва албатта биз ёрқин келажакка қараб интилган буламиз ва албатта унга эришамиз.

Бундан қуришимиз мумкинки, “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиётининг кафолати” эканлигига эришамиз.

“Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади. Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда”, дея фикр билдириб ўтган ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимида.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёшларнинг мафкуравий ва ҳуқуқий имунитети қанчалик ривожланиб борса, бегараз рақобат муҳити ва соғлом авлод шаклланади. Биз бугун мана шундай ёш авлодни тарбиялаш учун бор куч-ғайратимизни сарфламоқдамиз. Бу йўлда барчамиз инсон онгини заҳарловчи коррупция иллатларидан огоҳ бўлишимиз, ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олишда ёшларимизни тўғри йўлга чорлашимиз керак. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий онг ва миллий тарбияни юксалтириш, бунга нисбатан барча зарур чора-тадбирларни кўриш, қолаверса, ёшларимиз учун доимий равишда ҳуқуқий саводхонлик ва эстетик тарбияни, тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиб боришимиз даркор. Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчиман, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, **“Қанчалик аччиқ ва ноқулай бўлмасин, мен фақат тўғри ва ҳаққоний маълумотни билишни истайман”** деганларидек биз, барча янгиланишларни, ислохотларни тўғри баҳолаб, давлатимизни янада юқори чўққиларга олиб чиқишда Президентимизга қанот ва елкадош бўлишимиз даркор.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // “Халқ сўзи”, 2016 йил 2-ноябрь, 02/11/201
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3119>
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд.- Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016й.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 80 б. 2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008



ГОСУДАРСТВО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ И ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

Каюмов Бахтиёр Эркинович,
самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета

Аннотация. В статье анализируются вопросы государственно-частного партнерства в Республике Узбекистан, связанные с применением данного института в правоприменительной практике. Анализируются некоторые соглашения о государственно-частном партнерстве, заключенные в Республике Узбекистан и разрабатываются выводы, направленные на совершенствование отечественного законодательства в этой сфере.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, соглашение,

Государственно-частное партнерство (далее – ГЧП) не является новшеством для нашего государства. Данный институт неоднократно применялся в нашей отечественной истории. По большей части он связан с исламским правом, где были нередки объединения общих усилий государства и частного сектора.

Рассматривая вопросы правоприменительной практики в сфере ГЧП мы пришли к выводу о неоднозначном применении норм законодательства в этой сфере и наличии некоторых неточностей. В рамках данной научной работы мы проведем анализ нескольких соглашений о ГЧП, которые были заключены между Республикой Узбекистан и частным бизнесом.

На основании статьи 26 Закона о ГЧП от 2019 года государственный партнер заключает соглашение о ГЧП с частным партнером, который является победителем тендера, участником прямых переговоров или специальной проектной компанией. Данное соглашение, как и сам институт ГЧП не регулируются напрямую Гражданским кодексом Республики Узбекистан, однако, косвенно мы применяем положения статьи 354 указанного кодекса применяя принцип свободы договора, по которому допускается заключение договора и не предусмотренного законодательством (по состоянию на 2019 год – то есть до вступления в силу Закона о ГЧП). Так, институт ГЧП является новшеством для отечественного законодательства, с позиции регулирования отношений между государством и частным бизнесом в рамках нового института.

Несмотря на то, что Закон о ГЧП был принят еще в середине 2019 года, в стране уже были заключены большое количество соглашений о ГЧП – в основном в сфере дошкольного образования, а более крупные, важные в стратегическом значении соглашения о ГЧП были заключены в сфере энергетики и автомобильных дорог.

К примеру, на строительство новой тепловой электростанции в Сырдарьинской области мощностью 1 500 МВт (инициатор «The International Company for water and power projects» Саудовская Аравия) привлечено 1 170 млн \$ сроком на 25 лет, другим примером служит проект строительства солнечной фото электростанции мощностью 400 МВт в Самаркандской области (инициатор Министерство энергетики Республики Узбекистан) – 400-440 млн \$ сроком на 25 лет. В сфере транспорта – строительство платной дороги Ташкент-Самарканд (инициатор Министерство транспорта Республики Узбекистан и Комитет автомобильных дорог) протяженностью 290 км на 30 лет и стоимостью 1 млрд \$, строительство платной дороги (новый тоннель) Ташкент-Андижан (инициатор Министерство транспорта Республики Узбекистан и Комитет автомобильных дорог) протяженностью 340 км на 49 лет и стоимостью 1 млрд \$.

В сфере энергетики в Республике Узбекистан в течение 2020 года было заключено 5 соглашений о ГЧП с компанией «Masdar» (ОАЭ) о строительстве в Навоийской области солнечной фото электростанции мощностью 100 МВт; с компанией «Total Eren» (Франция) о строительстве в Самаркандской области солнечной фото электростанции мощностью 100 МВт; с компанией «Acwa Power» (Саудовская Аравия) о строительстве в Сырдарьинской области тепловой электростанции мощностью 1 500 МВт; с компанией «Akşa Enerji» (Турция) о строительстве в Ташкентской области тепловой электростанции мощностью 240 МВт.



В сфере энергетики и здравоохранения в Республике Узбекистан по данным Агентства крупные проекты в большинстве случаев предлагаются со стороны зарубежных частных инициаторов (Саудовская Аравия, Франция, Турция, ОАЭ). И хотя Законом о ГЧП предусматривается минимальный срок соглашения о ГЧП в 3 года, проекты, по данным Агентства, реализуются сроком не менее 10 лет.

По данным Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан в 2018 году было реализовано 172 соглашения о ГЧП, в 2019 году 520 соглашений, в 2020 году – 333, в первом полугодии 2021 года – 37 соглашений. При этом все указанные проекты были инициированы частным партнером. Кроме того, 61 проект о ГЧП в 2019 году, 53 – в 2020 году, 38 – в первом полугодии 2021 года были прекращены по различным основаниям, среди которых проблемы с поиском средств для внесения собственного вклада в проект, отсутствие достаточного залогового обеспечения для получения кредита, экономическая неэффективность проекта, увеличение процентной ставки по кредитам с 1 до 12 %, сокращение использования кредитом с 15 до 7 лет, и льготного периода с 3 до 2 лет. [1]

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О совершенствовании порядка реализации проектов государственно-частного партнерства» от 26 апреля 2020 года № 259 была утверждена Концепция проектов ГЧП (Приложение № 1 к постановлению), где между партнерами распределяются некоторые риски. Хотя на наличие нормативного регулирования распределения рисков в рамках соглашения на практике не всегда стороны включают полный перечень рисков, предусмотренных в законодательстве. В качестве примера можно привести Соглашение о ГЧП в сфере народного образования, заключенного между Министерством народного образования Республики Узбекистан, хокимиятом Наманганской области и частным образовательным учреждением «MIRZO MENTAL POWER» 18 мая 2021 года [2]. В пункте 10.1. Соглашения указывается на объем рисков, возложенных на каждого из партнеров, так государственный партнер берет риски по приобретению земли, связанные со строительством, изменения законодательства, отрицательно влияющее на проект ГЧП, политические риски и конфискацию имущества (то есть 5 из имеющихся 8 в Постановлении). А на частного партнера возлагаются риски по планированию проекта, старению дизайна и технологии, реконструкции и ремонтным работам, скрытым недостаткам, финансовые риски, риски по страхованию, операционные риски, экологические и социальные риски, риски по управлению (9 из предусмотренных 11), при этом риск, который должен был быть возложен на государственного партнера возложен на частного партнера – отказ в выдаче, либо задержка в выдаче лицензий или разрешений. Кроме того, при подписании данного соглашения почему-то участвуют на стороне государственного партнера два субъекта – Министерство народного образования Республики Узбекистан и хокимият Наманганской области.

Другим примером является Соглашение о ГЧП между Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и ООО «OXYGEN TASHKENT» от 2021 года [3], где в соответствии с пунктом 7.2. государственный партнер не берет на себя риск конфискации имущества, а частный партнер несет и те риски, которые по Концепции проектов ГЧП возложена на обе стороны. Такая же картина наблюдается и в Соглашении о ГЧП между Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и ЧП «ANGIO-MED» от 2021 года [4].

Наиболее идеальным на наш взгляд с позиции распределения рисков между партнерами и исходя из законодательства является Соглашение о ГЧП между Министерством водного хозяйства Республики Узбекистан и Совместным предприятием в форме ООО «BO'STONLIQ KARTOSHKACHILIK MARKAZI» от 2021 года [5], в котором пункт 7.3. полностью соответствует Концепции проектов ГЧП.

Однако, в Законе ГЧП имеются некоторые упущения, связанные, к примеру, с вопросами лингвистики. Все рассмотренные выше соглашения о ГЧП были составлены на узбекском языке, где соглашения о ГЧП именуется как «давлат хусусий шериклик тўғрисида битим» (как это предусмотрено статьей 26 Закона о ГЧП в узбекской редакции), то есть «сделка о государственно-частном партнерстве», а не соглашение, как это предусмотрено в русской версии Закона о ГЧП. Термин «соглашение о ГЧП» возник не на пустом месте. Причиной тому послужил Федеральный закон Российской Федерации «О государственно-частном партнерстве, муниципально-частном партнерстве в Российской Федерации и внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации» от 13.07.2015 N 224-



ФЗ, где используется именно термин «соглашение о ГЧП». То есть проблема возникает в узбекском варианте термина.

Кроме того, в Законе о ГЧП статья 27 предусматривает «основные» условия соглашения о ГЧП. Хотя в цивилистике нет такого определения. К примеру, Е.А. Суханов [6] отмечает о наличии примерных, существенных, обычных, случайных условиях. Но ни в теории, ни в правоприменительной практике мы не встречаем термин «основные условия» соглашения. В данном случае более лучшим вариантом является использование термина «существенные условия», так как из смысла статьи 27 Закона о ГЧП именно о «существенных условиях» соглашения о ГЧП и идет речь (стороны, предмет, срок соглашения, распределение рисков и другие).

Таким образом, в Республике Узбекистан существуют некоторые проблемы, с которыми мы сталкиваемся при применении законодательства в сфере ГЧП, и проблемы, которые имеются в самом законодательстве. На основании проведенного анализа, предлагается:

1. В узбекском варианте Закона о ГЧП слова «давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим», встречающиеся во всем Законе заменить словами «соглашение о государственно-частном партнерстве»;

2. Название статьи 27 Закона о ГЧП изложить в следующей редакции:

«Существенные условия соглашения о государственно-частном партнерстве», и использовать именно такой вариант условий во всем тексте Закона о ГЧП.

Сноски/References/Иқтибослар

1. Письмо Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан от 26 июля 2021 года № 04-03/1-526.

2. Соглашение о ГЧП в сфере народного образования (о передаче в безвозмездное пользование пустующего не используемого земельного участка на территории школы № 71 Чустского района, Наманганской области с обязательством о создании негосударственного образовательного учреждения на основе ГЧП), заключенного между Министерством народного образования Республики Узбекистан, хокимиятом Наманганской области и частным образовательным учреждением «MIRZO MENTAL POWER» 18 мая 2021 года.

3. Соглашение о ГЧП (о создании завода по изготовлению медицинского кислорода на базе государственного предприятия «Тошкент кислород заводи») между Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и ООО «OXYGEN TASHKENT» от 2021 года.

4. Соглашение о ГЧП (о создании медицинского центра вместо бывшего здания эндокринологического диспансера Навоийской области) между Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и ЧП «ANGIO-MED» от 2021 года.

5. Соглашение о ГЧП (о передаче в управление на основе ГЧП насосных станций «Сойлик-1», «Сойлик-2», «Товоксой» и «Хондойлик») между Министерством водного хозяйства Республики Узбекистан и Совместным предприятием в форме ООО «BO'STONLIQ KARTOSHKACHILIK MARKAZI» от 2021 года.

6. Гражданское право: учебник: в 4 т. /отв. ред. Е.А.Суханов. 2-е изд. перераб. и доп. - Москва: Статут, 2019.



ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ОШИРИЛМОҚДА

Матрасулов В.Р.

Урганч шаҳар юридик хизмат кўрсатиш
маркази бошюрисконсулти

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда юридик хизмат соҳасида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг амалдаги ижроси ҳақида сўз юритилган, Шунингдек Урганч шаҳар юридик хизмат кўрсатиш марказининг бугунги кундаги фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: юридик хизмат, қарор, ҳуқуқ, ҳужжат, ташкилот, Марказлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларитўғрисида”ги 5168-сонли Қарорига асосан, 2021-йил 1-октябрдан Республиканинг барча туман ва шаҳарларида вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказлари ўз фаолиятини бошлади.

Марказлар фаолиятининг устувор йўналишлари этиб давлат ташкилотларига сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш, давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат ташкилотларининг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонунӣ ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш масалалари белгиланган.

2021-йил 1-октябрдан бошлаб давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча маълумот ва жараёнларни тўлиқ электрон равишда йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш имконини берувчи “Э-ҳуқуқшунос” электрон тизимини амалга оширилмоқда.

Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилиши белгиланган ташкилотлар томонидан Марказлар билан келишилмаган ҳолда юридик тусдаги ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда улар қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқӣ оқибатларни келтириб чиқармайди, шу қатарода марказ ходимлари “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши, юридик хизмат кўрсатиш жараёнида юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар юклатилган ва энг асосийси Марказлар ходимлари ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган юридик хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб берадиган масъул шахслар ҳисобланади.

Урганч шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази 2021-йилнинг 4-октябридан ўз иш фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунда Урганч шаҳридаги 10 та Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудӣ бўлимларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйган. Шу кунгача мазкур ташкилотларнинг 800 дан ортиқ юридик ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқӣ экспертизадан ўтказилишига эришилиган ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳуқуқӣ хулосалар берилган, хусусан 42 та ҳолатда ҳужжатлар лойиҳасидаги камчиликлар аниқланиб бартараф этиш мақсадида ташкилотларга қайта ишлашга юборилган, бундан ташқари 6 та ҳолатда қабул қилинаётган юридик ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги аниқланиб уларга салбий хулосалар берилган ва барвақт қонун бузилишининг олди олинган. Шу билан бир қаторда, бугунгача тегишли идора ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқӣ онгини ўстиришга қаратилган 30 га яқин ҳуқуқӣ тарғиботлар амалга оширилди ва Урганч шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан қонун ҳужжатларига амал қилинишига доир 20 га яқин мониторинг тадбирлари олиб борилиб, айрим бюджет ташкилотлари томонидан ҳуқуқӣ ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб тегишли тасир чоралари қўлланилишига эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари электрон базаси.
2. ОАВ ва интернет материаллари.



ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Махмудов Алишер Абдусалимович,

Тошкент давлат юридик университети

Конституциявий ҳуқуқ кафедраси доценти в.б.,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: муаллиф прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари таҳлили асосида бу жараёни ривожланиш боқичларига ажратади. Сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган ислохотларга алоҳида қаратиб, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид айрим таклифларни илгари суради.

Калит сўзлар: қонунийлик, қонун устуворлиги, ҳуқуқ-тартибот, прокуратура органлари, секторлар.

Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари (прокурорлар) [1], бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида алоҳида ўринга эга. Чунончи, прокуратура мамлакатимизда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи ягона давлат органи ҳисобланади.

Юртимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, қонунчилик асосларини яратиш бўйича изчил чораларни кўра бошлади.

Хусусан, Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган 30 йилга яқин даври мобайнида прокуратура органларида ҳам қатор тизимли ислохотлар амалга оширилди. Бугунги кунга қадар прокуратура органлари тизимида амалга оширилган бундай ислохотларни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин:



Мустақил Ўзбекистонда прокуратура органлари ҳуқуқий асосларининг шаклланиш даврида (1991-2000 йиллар) прокуратура органлари тўлақонли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мустақил тузилма сифатида шаклланди.

Энг аввало, 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунда [2] Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаши (3-модда) мустаҳкамланди.

Айнан мазкур Қонун мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда асосий қонун ҳужжатларидан бири ҳамда пойдевор вазифасини бажарди ва унга асосан суверен Ўзбекистоннинг давлат органлари ташкил этила бошланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони [3] асосида Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди.

Натижада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар аниқ ва бир хил ижро этилиши



устидан қатъий прокурорлик назоратини ўрнатиш орқали қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, мамлакат суверенитетини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим институционал қадам қўйилди.

1992 йил 8 декабрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим тарихий аҳамиятга эга.

Хусусан, мазкур сессияда прокуратура органларига конституциявий мақом берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўртинчи бобида (118-121-моддалар) прокуратурага оид конституциявий нормалар белгиланди. Бу эса, мустақил Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашнинг кафолатли тизимини яратишга муҳим ҳуқуқий замин бўлди.

Мазкур конституциявий нормалар прокурорлик фаолиятини фақат қонун асосида амалга оширишни кафолатлаши баробарида, ушбу фаолиятда мустақиллик ва қонунийлик каби конституциявий тамойилларни рўёбга чиқаришни ҳам белгилайди.

1992 йил 9 декабрда “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этди [4]. Қонунда прокуратура органларининг асосий вазифалари, принциплари, прокуратура фаолиятининг йўналишлари, прокуратура органларида ишни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар белгиланди.

Қонунда прокурорлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари белгиланиб, унга кўра прокуратура идораларининг фаолияти қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий-давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилиши зарур.

2001–2015 йиллар прокуратура органлари тизимида амалга оширилган ислохотларнинг **иккинчи босқичини** ўз ичига олиб, ушбу давр давлат органлари тизимида прокуратура органларининг роли ва вазифаларини такомиллаштириш даври бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

Энг аввало, мазкур йилларда прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита кўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Хусусан, 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни [5] ушбу мақсадда қўйилган муҳим қадам бўлди. Қонунга мувофиқ фуқароларнинг прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилгани прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулиятини яна бир қарра оширди.

Профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра қонунлар ижроси устидан назоратнинг алоҳида соҳалари ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича муҳим аҳамият касб этади.

Унинг ўзига хослиги биринчи навбатда универсаллик хусусияти билан белгиланади. Яъни, у назоратнинг предметига ва доирасига қараб, аниқланган қонунбузарликларга барҳам бериш бўйича прокурорнинг ваколатлари билан прокурорларнинг фаолиятини тўла ҳажмда тартибга солади [6].

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) прокуратура органларининг асосий вазифаларини, прокуратура органларини ташкил этиш ва унинг тизимини, фаолияти асосий йўналишлари ва принципларини, прокурор назоратини амалга ошириш механизмларини белгилайди.

Янги таҳрирда қабул қилинган ушбу қонун билан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамокда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор



қилинди.

Маълумки, прокуратура органлари фаолиятида солиқ ва валютага оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2001 йилдаги “Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди [7].

Кейинчалик эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2006 йилдаги “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–331-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди [8].

Мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг ҳуқуқий асослари риволаниши тарихининг иккинчи босқичида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш, давлат органлари мансабдор шахсларининг идоравий меъёрий ҳужжат ижодкорлиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сўзсиз ижро этиш борасидаги масъулиятини кучайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришни тақозо этиш муҳим аҳамият касб этганлиги муносабати билан ҳам прокуратура органлари билан боғлиқ ислоҳот амалга оширилди.

Хусусан, қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 апрелда қабул қилинган “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4636-сон Фармони билан Бош прокуратурада Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилди [9].

Умуман олганда, прокуратура органларини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи мамлакатимизда прокуратура органларининг жамиятда қонунийликни таъминлаш борасидаги ўрни ва ролининг янада такомиллашувига хизмат қилди ҳамда бу борадаги ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади.

Прокуратура органлари ривожланишининг учинчи босқичи (2016 йилдан кейинги давр) прокуратура органлари тарихида ўзига хос муҳим туб бурилишга эга бўлиб, бунда ушбу даврда прокуратура органлари тизимида шаффофлик ва очиқлик сиёсати долзарб аҳамият касб этди. Шунингдек, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш орқали чинакам “халқ прокуратураси”га айланиш борасида изчил ислоҳотлар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 январда прокуратура ходимлари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида “айни вақтда, афсус билан айтиш керакки, кўп ҳолларда қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокурор назорати ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг намоён бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, асосий эътибор ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаб, уларнинг олдини олишга эмас, балки оқибатлари билан курашишга қаратилмоқда. Бундай ҳолатга чек қўйиш вақти келди” [10] деб таъкидлагани прокуратура органлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишга асос бўлди.

2016–2021 йиллар мобайнида прокуратура фаолиятига оид 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур тизим фаолиятини тубдан ислоҳ этишга хизмат қилди.

Прокуратура органлари тизимида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилашда 07.02.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар



стратегияси” ўзига хос муҳим раҳбарий ҳужжат вазифасини ўтади.

Ушбу босқичда амалга оширилган муҳим ислохотлар тизимида янги Ўзбекистонда Президент Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан прокуратура органларининг устувор вазифалари белгилаб берилиши бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ–5019-сон Фармони билан жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди [11].

Прокуратура органларини аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ўз вақтида ҳал этишдаги ролини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3182-сонли қарорининг қабул қилиниши ўзига хос аҳамият касб этди.

Ушбу қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар худудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **секторларга** бўлинди [12].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу институт Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт босқичида муҳим ўрин тутмоқда, жумладан, кабинетда ўтириб эмас, пастга тушиб, одамлар орасида юриб, уларнинг дардини эшитадиган халқчил тизим жорий этилди.

Соддароқ қилиб айтганда, ушбу тизим давлат органлари раҳбарларини халққа яқинлаштирди, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш самарадорлигини оширди.

Бинобарин, халқ билан очиқ мулоқот, фуқароларни, айниқса, энг чекка ва олис худудларда яшовчиларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш прокурорларнинг ҳам кундалик вазифасига айланди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ушбу тизимнинг жорий этилиши вақт ва халқнинг ўзи талаб қилган объектив зарурат эди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини тақозо этди.

Шу муносабат билан, шунингдек прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5438-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси этиб қайта ташкил этилди.

Мамлакатимизда бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш, бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлигини оширишда да прокуратура органларининг ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сон Фармони қабул қилиниши тарихий аҳамият касб этди.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил қилинди.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, ушбу даврда амалга оширилган ислохотлар прокуратура органларини халққа хизмат қилувчи, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини том маънода ҳимояловчи органга айлантирди.

Қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашда прокуратура органларининг



келгусидаги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини белгилаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, Давлатимиз раҳбари сайловолди дастурларида “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлади. Бунинг учун мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очик ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асослари яратилишини [13] алоҳида таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганига 20 йил тўлди. Бугунги кунга келиб 300 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар, вазифалару-ваколатлар белгиланган. Қолаверса, халқаро ташкилотларнинг прокуратура органлари мустақиллигини таъминлаш, ваколатларини белгилаш, хизматни ўташ, ходимлар ижтимоий ҳимоясига оид бир қатор тавсиялари ишлаб чиқилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун нормалари ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан, ҳуқуқий ислохотлардан, халқаро стандартлардан анча орқада қолган ва турдош қонун ҳужжатларига мос эмас. Қолаверса битта тизим фаолиятига оид қоидаларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, янги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурати вужудга келганини қайд этиш жоиз.

Шу муносабат билан прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат поғоналаридан ўстиришнинг холис мезонларини қонунда аниқ белгилаш [14] зарур.

Шунингдек, халқаро стандартлардан келиб чиқиб ҳамда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қонунда прокуратура органлари фаолият йўналишларини танқидий кўриб чиқиш, айниқса қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини янада кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, судлардаги иштирокини такомиллаштириш ҳамда тергов сифатини оширишга қаратилган нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Энг муҳими, прокуратура органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сноски/References/Иқтибослар:

1) Лотин тилида procurator сўзининг ўзаги суга бўлиб, “ҳимоя, ғамхўрлик, кузатиш” маъноларини билдиради. XIII асрда француз тилига procureur талаффузида ўтган, XVIII асрда француз тилидан поляк, кейинчалик рус тилига ўтиб, прокурор атамаси шаклланган.

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 97-модда.

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 29-модда; 6-сон, 266-модда.

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.

6) Пулатов Б.Х. Прокурор назорати: дарслик / Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 36 б.

7) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 88-модда.

8) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда.

9) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 395-модда.

10) Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 194 б.

11) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ–5019-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда.

12) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 802-модда.

13) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури. <https://uzlidep.uz/news-of-party/10076>.

14) Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 йил, 108 бет.



ТОВАР БЕЛГИЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Насретдинова Мадинабону,
ҳуқуқшунос.
n.bonu110@gmail.com

Аннотация: мақолада интеллектуал мулк объектларидан бири ҳисобланган товар белгиларидан ноқонуний фойдаланишга оид миллий ва хорижий тажриба таҳлил қилинган, муаллиф бу борада айрим таклифларни ҳам илгари сурган.

Калит сўзлар: товар белгиси, интеллектуал мулк, маданий қароқчилик, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.

Бугунги кунда Ўзбекистон бутун дунё ҳамжамияти билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларни ўрнатишга, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, тижорат муносабатлари, инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда интеллектуал мулк объектларининг тижорат муомаласида бўлиши, уларни ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтган дастлабки даврларда товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситаларининг ҳуқуқий механизмлари яратила бошланган бўлсада, ҳозирги воқелик бу борадаги қонунчиликни самарали механизмларини яратиш, ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни тақозо этмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1] учинчи устувор йўналиш доирасида мамлакатимизда валютани тартибга солиш, ташқи савдо, божхона ва солиқ қонунчилигини либераллаштиришда муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ)га аъзо бўлиб киришига қулай шароит яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5614-сон фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислохотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси»да савдо сиёсати ва экспортни либераллаштириш, нотариф савдо тўсиқлари ва бузиб кўрсатишларни қайта кўриб чиқиш, уларни БСТ меъёр ва келишувларига мувофиқлаштириш, БСТга аъзо бўлиши бўйича музокараларни босқичма-босқич олиб бориш назарда тутилди [2].

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда бўлгани каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ҳам унинг иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қўриқланади ва улар бузилган тақдирда ҳуқуқбузарларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жиноят-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий каби юридик жавобгарликнинг алоҳида шакллари билан ҳисобланади ва шу маънода улар билан бир қатор умумийлик ва ўзига хосликларга ҳам эга. Бу ўзига хосликлар биринчи галда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари юридик жавобгарликнинг бошқа шакллари асосларидан фарқ қилади.

Ш.Н.Рўзиназаров хавфсизликнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалари хусусида фикр юритиб, хавфсизлик чораларини қўллаш давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини айтиб ўтади [3].

О.Окюловнинг фикрича, маданий қароқчиликни ижтимоий-ҳуқуқий категория сифатида ўрганишда унга нисбатан дунёнинг турли мамлакатларида турлича муносабат мавжудлигини қайд этиш лозим. Интеллектуал мулк махсулотларини асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Ғарбий Европа ва АҚШ ўз манфаатидан келиб чиқиб бутун дунёда маданий қароқчиликка нисбатан шафқатсиз уруш эълон қилган. Улар дунёнинг бошқа мамлакатлари билан иқтисодий илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйишда ўша мамлакатда интеллектуал мулк ҳуқуқларига қай даражада риоя қилиниши, маданий қароқчиликка қарши муросасиз кураш



олиб борилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Улар етакчи мавқега эга бўлган халқаро иқтисодий ҳамкорлик тузилмалари Европа иттифоқи, Америка давлатлари иттифоқи, Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва шу кабиларда аъзоликка қабул қилиш масаласида интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликка қарши кураш олиб бориш бўйича қонуний санкциялар мавжудлиги ва уни амалда қўллаш ҳолатига алоҳида эътибор қаратадилар. Интеллектуал мулк маҳсулотларини истеъмолчиси бўлган дунёнинг баъзи мамлакатлари эса маданий қароқчиликка нисбатан зўраки кураш, формал бефарқлик ёки хатто яширин унга хайрихоҳлик кузатилади [4].

Озарбайжонда товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1999 йилги Жиноят кодекси [5]нинг 24-боби (*Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар*) 197-моддасида (*Товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш*) акс эттирилган бўлиб, модданинг биринчи қисмига асосан, бир турдаги товарлар ва хизматлар учун бошқа шахсга тегишли товар белгиси, фирма номи, товар келиб чиққан жой номи ёки унга ўхшаш белгидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар бир неча марта содир этилган ёки анча миқдорда зарар етказилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳаққининг минг бараваридан беш минг бараваригача жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Модданинг иккинчи қисмига асосан, юқорида қайд этилган ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Арманистон товар белгиларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 2003 йилги Жиноят кодексининг 22-боби (*Иқтисодий фаолиятга қарши жиноятлар*) 197-моддасида (*Товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш*) назарда тутилган. Ушбу моддага асосан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва фирма номидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳаққининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муддатли қамок жазоси билан жазоланади [6]. Арманистон Жиноят кодекси 197-моддасининг диспозициясида юқорида қайд этилган ҳаракатларни бир неча мартаба содир этиш таркиби мавжуд эмас.

Товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 2001 йилги Украина Жиноят кодексининг VII-боби (*Хўжалик фаолият соҳасидаги жиноятлар*) 229-моддасида (*Товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш*) назарда тутилган. Ушбу моддага асосан, бир турдаги товар ва хизматлар учун бегона белги, фирма номи, товар тамғасидан фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар натижасида кўп миқдорда даромад олинган бўлса, фуқаролар энг кам даромадидан олинган солиқнинг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорида жарима ёки юз соатдан икки юз соатгача муддатда жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади [7].

Латвияда товар белгиси ёки бошқа белгилардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик ёки қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик 1998 йилги Латвия Жиноят кодекси [8] XIX-боби (*Халқ хўжалигига қарши жиноий ҳаракатлар*) 206-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг биринчи қисмига кўра, бошқа шахсга тегишли товар белги, шунингдек, товар ва хизматларни фарқловчи бошқа белгилардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, қалбакилаштириш ёки тарқатиш бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки қамок ёки мажбурий ишлар ёхуд энг кам ойлик иш ҳаққининг эллик бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади. Модданинг иккинчи қисмига асосан, юқорида қайд этилган ҳаракатлар давлат ёки шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки энг кам ойлик иш ҳаққининг саксон бараваригача жарима билан жазоланади.

Эстонияда товар белгисидан қонунга зид равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1992 йил 7 майда янги таҳрирда қабул қилинган Жиноят кодекси 15-боби (*Интеллектуал мулкка қарши жиноятлар*) 283-моддасида (Патент, фойдали модель, саноат намунаси, микросхемалар топологияси ёки товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш) назарда тутилган [9] бўлиб унга асосан ушбу номлуқ объектларга нисбатан шахс ҳуқуқларини бузиш жарима ёки бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Б.Ахмаджоновнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқ ва



турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги Қонунининг 63-моддасига ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, контракт нусхаларни мусодара қилиш, ҳуқуқ эгасининг ҳақиқий эгаси ҳақида маълумотларни эълон қилиш ҳақидаги талабларни киритиш лозим [10].

Бироқ, таклиф қилинаётган нормалар ушбу қонунларда мавжуд. Масалан, ушбу қонуннинг 66-моддасида асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади деб белгиланган. Ҳақиқий ҳуқуқ эгаси ҳақидаги маълумотлар эса муаллифлик ҳуқуқини тан олиш ва фуқаролик шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир хилдир. Бу ўринда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда “Антон Пиллер ордени”, “Мареванинг суд таъқиқи”, “Норвич Фармакл воситаси” каби усулларни имплементация қилишга доир ғояларни қўллашни назарда тутиш мумкин.

Бу ўринда ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўзига хослик ҳамда интеллектуал мулк объектларининг хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш механизми, уларни тижорат муомаласига киритиш у ёки бу ҳуқуқий ҳимоя чораларини имплементация қилишга доир қоидаларга нисбатан алоҳида эътиборни, зехнни талаб қилади. Агар бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда Антон Пиллер Ордери қўлланиши мумкин бўлса, ҳуқуқларни бузилиш ҳолатини исботлаш имконияти мавжуд бўлади ва ҳуқуқбузар ишни ҳамда низони ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни йўқ қилиш имкониятига эга бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида ёзма далилларга доир қонидани белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, Англия ҳуқуқ тизимида Антон Пиллер Ордени (*Anton Piller order*) мавжуд бўлиб, олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда далилларни олиб қўйишга ҳуқуқ беради ва компьютер дастури эгалари ҳуқуқлари бузилганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳолат шу жумладан муаллифлик ёки патент ҳуқуқлари бузилган ҳолларда тегишли далилларни йўқ бўлиб кетишини олдини олишга хизмат қилади. Ушбу тартиб 1975 йилда *Anton Piller KG v Manufacturing Processes Limited* ўртасидаги низо юзасидан номланган бўлиб, унда тижорат сирлари ўғирланганлиги юзасидан суд жараёни бўлиб ўтган. Ушбу усулни умумий равишда қўллаш 1997 йилда умумий фуқаролик судлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши муносабати билан маълум даражада сиқиб чиқарилган [11].

Антон Пиллер Ордерининг асосий устунлиги шундаки, ушбу суд буйруғи жавобгарга мурожаат қилмаган ҳолда суд томонидан берилиши мумкин. Умумий қоидага кўра суд буйруғи тарафлар томонидан бошланган суд жараёни давомида берилади. Бу ҳолат иккинчи тарафга олдиндан даъвогар томонидан суд орқали суд буйруғини олиш истаги борлигини маълум қилиб қўяди. Бу ҳолат даъвогарнинг зарур далилларни топишга доир барча ҳатти-ҳаракатларини, уринишларини йўққа чиқаради. Чунки жавобгарда далилларни йўқ қилиш учун вақт бемалол етарли бўлади.

О.Оқюловнинг фикрича, БСТнинг таъсис ҳужжатларига қилинган илова интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо соҳалари бўйича Битим (ТРИПС битими) деб аталиб, у 7 қисм, 73 моддадан иборат. Ушбу битимда асосий қоидалар ва тамойиллар, интеллектуал мулк ҳуқуқини мавжудлиги, ҳажми ва фойдаланишга нисбатан стандартлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқини вужудга келиши ва амал қилиши ва билан боғлиқ *inter partes* процедураси, низоларни олдини олиш ва ҳал қилиш, ўтказма келишувлар, институционал тадбирлар, якуний қоидалар ўз ифодасини топган. Ушбу битим асосида Париж конвенцияси (1967 йил таҳрири), Берн конвенцияси (1971 йил таҳрири), Рим конвенцияси (1961 й.), Вашингтон шартномаси (1989 й.) ғоялари ётади. ТРИПС битими интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солмайди, балки интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини савдо-тижорат муомаласида товар сифатида ҳаракатда бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш масалари битимда деярли ўз ифодасини топмаган. Битимда асосий эътибор объектларга нисбатан мулкый ҳуқуқларни амал қилиш, хусусан бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт-импорт қилишда бу ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминланшга қаратилган.



Маълумки, интеллектуал мулк объектлари ғоявий (идеал) негизга эга. Бинобарин, бир вақтнинг ўзи бир объектдан дунёнинг турли жойларида чексиз, номуайян доирадаги субъектлар фойдаланиши мумкин. Бундай фойдаланиш, афсуски кўп ҳолларда қонуний асосга эга бўлмайди, яъни объектга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ соҳибидан рухсат олмасдан, ҳақ тўламасдан амалга оширилади [12].

Сохта маркалар, худди шундай маркадаги товарлар ёки қарокчи товарлар ишлаб чиқариш учун махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган ҳар қандай шакл (қолип) ёки матрица, агарда шундай қолип ёки матрицадан фойдаланиш ҳуқуқ соҳибининг ҳуқуқларига путур етказидиган бўлса, вазиятга қараб сохталаштирилган ва қарокчилик товарларига тенглаштирилади. Ушбу таърифларда умумийлик-бу маданий қарокчиликни муаллифлик ҳуқуқи соҳасида қўлланиши, ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз объектни кўпайтириш ва бунда ҳуқуқ эгаси манфаатларига путур етиши ҳисобланади. Баъзи таърифларда эса объектдан тижорат мақсадларида фойдаланиш асосий белги сифатида кўрсатилади. Фикримизча фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарлик сифатида қараш учун ғайриқонуний фойдаланиш тижорат соҳасида амалга оширилиши шарт эмас. Интеллектуал мулк объектларининг айрим турлари ҳақидаги махсус қонунларда ҳам бундай талаб йўқ (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида ҳуқуқбузарлик предметини хўжалик муомаласига киритиш) белгиси мавжуд. Бироқ бу истисно муҳим аҳамиятга эга эмас, чунки «тижорат муомаласи» ва «хўжалик муомаласи» айнан тенг мазмунли тушунчалар эмас). Айни вақтда маданий қарокчилик нафақат муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасида, балки интеллектуал мулк объектларини бошқа соҳаларда ҳам юз бериши мумкин. Масалан, ихтиродан мутлоқ ҳуқуқ эгасини розилигини олмаган ҳолда ғайриқонуний фойдаланувчи шахс объектга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ бошқага тегишли эканини билган ҳолда, ундан рухсат олмасдан, ҳақ тўламасдан фойдаланса ҳуқуққа, балки умуман жамиятдаги мавжуд ҳуқуқ-тартиботга ҳам зарар етади.

Дунёнинг деярли барча давлатларида товарларни чиқарилган жойлар номларидан ғайриқонуний фойдаланиш, бу жойлар номлари ҳақида нотўғри ёки ёлғон маълумот бериш ғирром рақобатнинг кўринишларидан ҳисобланади ва тегишли жавобгарлик чоралари (зарарларни тўлатиш, ҳудудига олиб келишни тақиқлаш, арест солиш, товарларни йўқ қилиб ташлаш ва ҳ.к.) қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига мувофиқ, инсофсиз рақобат сифатида юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланилган ҳолда товарни реализация қилиш, шу жумладан товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан, шунингдек ушбу белгидан домен номида фойдаланиш орқали қонунга ҳилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш; товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан фуқаролик муомаласига киритиладиган товарни унинг ташқи безатилиши ва шаклини, номини, тамғаланишини, этикеткасини, ўровини, ранглар уйғунлигини, товар белгисини такрорлаш, реклама материалларидан ёки хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товарини индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш таъқиқланади.

Юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди.

Монополияга қарши органнинг товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш хусусидаги қоидалари бузилганлигини эътироф этиш тўғрисида чиқарган қарори товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза бериш ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун манфаатдор



шахс томонидан интеллектуал мулк бўйича ваколатли органга ёки судга юборилади [13].

Бу ўринда қонунчиликда товар (хизмат) белгиларидан ғайриқонуний фойдаланишнинг ҳуқуқий оқибатлари, ғайриқонуний фойдаланиш учун жавобгарлик чораларини қўллаш назарда тутилмаган.

Фикримизча, ФКга қуйидаги мазмунда 1111¹-модда киритиш мақсадга мувофиқ:

«1111¹-модда. Товар (хизмат) белгиларидан ғайриқонуний фойдаланиш учун жавобгарлик

Ўзгаларга мутлоқ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган товар (хизмат) белгиларидан била туриб фойда олиш мақсадида ғайриқонуний, яъни шартнома ва бошқа ҳуқуқий асосларсиз фойдаланиш, агарда бунинг натижасида истеъмолчи ёки ҳуқуқ эгаси эътироз билдирса ва ғайриқонуний фойдаланганлик ҳолати мавжуд бўлса, ғайриқонуний тайёрланган объектларни, уларда ишлатиш учун мўлжалланган воситалар ва қурилмаларни мусодара қилиш ва йўқ қилиб юборилади.

Сноски/References/Иқтибослар:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодий ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5614-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 06/19/5614/2437-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

3) Рўзиназаров Ш. Ҳуқуқий мониторинг ва ҳавфсизлик. – Тошкент: 2006. 127 б.

4) Оқюлов О. Маданий қароқчиликка қарши курашнинг миллий ҳуқуқий тизимини шакллантириш масалалари. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2020. №1, 52-б.

5) Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. Перевод с азерб. Б.Э.Аббасова. – Спб. – Юрический центр Пресс. 2001. С. 214.

6) Уголовный кодекс Республики Армения 2003 г. // <http://www.Parliament.am/legislation.php>.

7) Уголовный кодекс Украины. –СПб. –Юрический центр Пресс. -2001.

8) Уголовный кодекс Латвийский Республики. СПб. –Юрический центр Пресс. -2001. С. 207-208.

9) Уголовный кодекс Эстонской Республики. – СПб. – «Юрический центр Пресс». – 2001.

10) Ахмаджонов Б.У. Фуқаролик ҳуқуқида мутлақ ҳуқуқлар мазмуни ва уларни амалга ошириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: ТДЮИ, 2011. 20-бет.

11) Романов А.К. Правовая система Англии. –Москва: Дело, 2000. -126 б.

12) Оқюлов О. 3.21. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Юридик фанлар доктори диссертацияси– Тошкент: 2000. -284-б.

13) Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда.



МАМЛАКАТИМИЗДА YOSHLAR SIYOSATIGA BO'LGAN E'TIBOR

Ergashov Omonillo Lutfullo o'g'li,
Andijon Davlat Universiteti,
Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti Tyutori
Poziljanov Xumoyunmirzo G'ayratjon o'g'li,
Andijon Davlat Universiteti,
Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti 2-kurs talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada so'ngi yillarda mamlakatimizda yoshlarga qaratilgan davlat siyosati va uning amalda qo'llanilishi yozilgan. Shuningdek, maqola siyosiy tadbirlar va boshqa siyosiy harakatlarni yoshlarni qamrab olishi va ularning siyosatda ishtirok etishi muhimligi yoritilgan.

Kalit so'zlar: Konsepsiya, “Mahallabay”, Yoshlar Parlamenti, “Davra suhbat”, “Yoshlar Daftari”, “Loyihalar fabrikasi”.

Mamlakatimizda ijtimoiy-siyosiy sohani rivojlantirish borasida qabul qilinayotgan qonun va qonunosti hujjatlarning mazmun mohiyatini yoshlarga yetkazish, ularning ijtimoiy-siyosiy bilimlari va huquqiy madaniyatini yuksaltirish maqsadida joriy yilning sentabr-oktabr oylari davomida “Yoshlarning siyosiy bilimlari va huquqiy madaniyatini yuksaltirish” aksiyasini o'tkazish belgilandi. Yosh avlodning sog'lom o'sishi, sifatli ta'lim olishi va barkamol shaxs bo'lib voyaga yetishini ta'minlash, shuningdek, yoshlarning madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari va kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini har tomonlama qo'llab-quvvatlashga qaratilgan “besh muhim tashabbus”ni joriy etish bo'yicha samarali ishlar amalga oshirilmoqda. Yoshlarni qo'llab-quvvatlash tizimini tubdan isloh qilish va yanada rivojlantirish maqsadida 2021-yil mamlakatimizda “Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” deb e'lon qilindi.

O'zbekiston Respublikasining yoshlarga oid davlat siyosatini 2025-yilga rivojlantirish konsepsiyasi (keyingi o'rinlarda — Konsepsiya) O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, “Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida”gi Qonun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari va qarorlari, Hukumat qarorlari, Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2030-yilgacha Barqaror rivojlanish maqsadlari, 2030-yilgacha mo'ljallangan “Yoshlar strategiyasi”, Yoshlar manfaatlari bo'yicha butunjahon harakatlar dasturi, 2020-yil dekabr oyida tashkil etilgan “O'zbekiston yoshlari” forumida hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasida yoshlarga oid davlat siyosatini yangi bosqichga olib chiqish bo'yicha belgilangan vazifalar asosida ishlab chiqilgan.

Jahondagi globallashuv jarayonlari, innovatsion jamiyatga bo'lgan ehtiyoj, fan-texnika taraqqiyoti yoshlar uchun ko'plab imkoniyatlar yaratishi bilan bir qatorda, ularning oldiga tezkor qarorlar qabul qilish, innovatsion tafakkurni shakllantirish, intellektual salohiyatni oshirish kabi ko'plab talablarni qo'yimoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev tomonidan Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2017-yildagi 72-sessiyasida BMTning Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiyasini qabul qilish tashabbusi ilgari surildi.

Konvensiya loyihasi yoshlar siyosati bo'yicha milliy va xorijiy ekspertlar, soha mutaxassislari, xalqaro tashkilotlar vakillari, keng jamoatchilik hamda yoshlar hamkorligida puxta ishlab chiqilib, 2017 — 2020-yillarda o'tkazilgan turli xalqaro forum va konferensiyalarda keng muhokama qilindi.

Markaziy Osiyo dunyodagi eng yosh mintaq bo'lib, aholisining o'rtacha yoshi 27,6 yoshni tashkil etadi. Mintaqa aholisining 50 foizga yaqini O'zbekiston Respublikasiga to'g'ri keladi.

Kelgusi besh yillikda yoshlarning ilmiy, kasbiy rivojlanishi, salomatligi, iqtisodiy imkoniyatlarining kengaytirilishi, texnologiya va innovatsiyalarni rivojlantirishga ajratiladigan sarmoyalar “demografik dividend”ga ega bo'lishga, ya'ni mamlakatning qisqa muddatda yuqori iqtisodiy taraqqiyotga erishishiga zamin yaratadi.

Mamlakatda yaqin va uzoq istiqbolga mo'ljallangan yoshlar siyosati samaradorligini oshirishga qaratilgan strategik vazifalarning amalga oshirilishi O'zbekistonda barqarorlik, tinchlik va farovonlikni ta'minlashga sezilarli darajada ta'sir qiladi.



Yoshlar siyosatining joriy holati va mavjud muammolar

Mamlakat aholisining 18,9 mln. nafari yoki 54 foizini 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar va bolalar tashkil etadi. Yoshlarning 9,5 millioni erkak, 9,4 millioni esa ayol jinsiga mansub.

Respublikada yoshlarga oid davlat siyosatining huquqiy asoslarini mustahkamlash maqsadida 2017 — 2020-yillarda 50 dan ortiq qonun va qonunosti hujjatlari qabul qilindi, 30-iyun — “Yoshlar kuni” deb e'lon qilindi.

Mamlakatimizda keyingi yillarda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy islohotlar natijasida taraqqiyotning mutlaqo yangi bosqichiga qadam qo'yildi.

Yoshlarga oid davlat siyosati doirasida ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy va huquqiy chora-tadbirlarni tizimli ravishda amalga oshiruvchi davlat boshqaruv organi sifatida O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi tashkil etildi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senatida Yoshlar, madaniyat va sport masalalari qo'mitasi, Oliy Majlis Senati qoshida 100 nafar va Qonunchilik palatasi qoshida 250 nafar faol va tashabbuskor yoshlardan iborat “Yoshlar parlament”lari, Qonunchilik palatasida Yoshlar masalalari bo'yicha komissiya tashkil qilindi.

“Mahallabay” o'rganishlar orqali yoshlarning bandligini ta'minlash, kasb-hunarga o'qitish, tadbirkorlikka jalb etish, shuningdek, ular o'rtasida madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari va kitobxonlikni rivojlantirish maqsadida yangicha tizim asosida barcha tuman (shahar)larda “Yoshlar dasturlari”ni amalga oshirish yo'lga qo'yildi.

Har bir mahalla, tuman, shahar va viloyat kesimida ijtimoiy, huquqiy, psixologik qo'llab-quvvatlashga, bilim va kasb o'rganishga ehtiyoji va ishtiyoqi bor bo'lgan ishsiz yoshlar kiritiladigan “Yoshlar daftari” tizimi joriy etildi.

O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi qoshida Yoshlar akademiyasi tuzildi. Hududlarda “Loyihalar fabrikasi” ish boshladi.

Shuningdek, yoshlarni qo'llab-quvvatlash tizimini tubdan isloh qilish va yanada rivojlantirish maqsadida 2021-yilga mamlakatimizda “Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”, deb nom berildi.

Respublikada yoshlar manfaatlarini himoya qiladigan 830 dan ortiq nodavlat notijorat tashkilotlari va jamoat birlashmalari faoliyat olib bormoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan yoshlarni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, yoshlarda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, ular o'rtasida kitobxonlikni targ'ib qilish, xotin-qizlar bandligini ta'minlashga qaratilgan “Beshta muhim tashabbus” ilgari surildi.

O'tgan yillar davomida 42 ta tuman (shahar)larning 168 ta olis va og'ir ahvoldagi mahallalarida bu tajriba muvaffaqiyatli amalga oshirildi.

Hududlarda 72 ta Raqamli texnologiyalar o'quv markazlari tashkil etilib, “Ma'rifat karvoni” tadbirlari doirasida 3 milliondan ortiq kitoblar yoshlarga yetkazib berildi hamda “Yosh kitobxon” tanlovi, “Bir million dasturchi” kabi o'nlab yirik loyihalar amalga oshirilmoqda.

Mard o'g'lon” davlat mukofoti va “Kelajak bunyodkori” medali ta'sis etilib, mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotida faolligi va tashabbuskorligi bilan tengdoshlariga o'rnak bo'layotgan, shuningdek, o'qishda va mehnat faoliyatida katta yutuqlarga erishgan 14 yoshga to'lgan va 30 yoshdan oshmagan yoshlar mukofotlanmoqda.

So'nggi uch yilda nufuzli xalqaro tanlov va musobaqalarda mamlakat yoshlari tomonidan 5 299 marotaba sovrinli o'rinlar qo'lga kiritilgan, xususan, madaniyat va san'at sohasida 446 ta, sport sohasida 4 838 ta, fan-ta'lim sohasida 15 ta.

Respublikada yoshlar va ularning oilalari uchun davlat tomonidan turli shakldagi moddiy yordam va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash choralari amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, o'tgan uch yilda respublikamizda 5 122 ta yosh oilalar uy-joy bilan ta'minlandi.

Yoshlar siyosati bo'yicha xorij tajribasidan samarali foydalanish, o'zaro tizimli hamkorlikni rivojlantirish maqsadida 13 ta xorijiy yoshlar tashkilotlari bilan hamkorlik aloqalari yo'lga qo'yildi. O'zbekiston 2018-yilda Shanxay Hamkorlik Tashkiloti Yoshlar kengashiga, 2020-yilda Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi Yoshlar masalalari bo'yicha kengashiga teng huquqli a'zo sifatida qabul qilindi.



Yoshlar siyosatini baholash

Yoshlar siyosatini baholash O‘zbekiston Respublikasida yoshlar bilan ishlash samaradorligini baholash bo‘yicha yagona ko‘rsatkichlar tizimi hisoblanib, mamlakat yoshlarining davlat va jamiyat hayotidagi ijtimoiy-siyosiy mavqeyi, farovonligi, barkamollik darajasi hamda istiqboldagi o‘rnini ko‘rsatadi.

Bunda baholash mamlakatning yoshlar siyosati bo‘yicha sifat ko‘rsatkichlari sohadagi xalqaro indeksdarga mos ravishda o‘rnatilgan ta‘minlashga yo‘naltiriladi hamda sohada amalga oshirilayotgan ishlar davlat va xo‘jalik boshqaruvi hamda mahalliy hokimiyat organlari kesimida quyidagi ustuvor yo‘nalishlar asosida baholanadi:

1. Yoshlarning ijtimoiy-iqtisodiy holati.
2. Yoshlarning ijtimoiy faolligi.
3. Yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlarini amalga oshirishda ishtirok etuvchi davlat organlari va tashkilotlari faoliyati.
4. Yoshlarga oid davlat siyosati va uning infratuzilmasi.
5. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va yoshlar.
6. Yoshlarga oid davlat siyosatining moliyalashtirilishi.
7. 5 ta muhim tashabbusni amalga oshirishda yaratilgan infratuzilma va yoshlarning qamrovi.

Baholashda mezonlarga taalluqli ma‘lumotlarni o‘rganish, tahlil etish, shuningdek ma‘lum yoshlar qatlamlari o‘rtasida ijtimoiy so‘rovlar o‘tkazish orqali sifat ko‘rsatkichini aniqlash va boshqa usullardan foydalaniladi.

Yillik baholash natijalari asosida kelgusida sohani rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar belgilab olinadi.

Istirokchilar davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tomonidan olib borilayotgan yoshlarga oid siyosatning mazmun-mohiyati va iqtisodiyotning ustuvor yo‘nalishlaridan biri - tadbirkorlikni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha ko‘rilayotgan chora-tadbirlar bilan tanishtirildi.

Ta‘kidlanishicha, O‘zbekistonda 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar aholining 60 foizini tashkil qiladi. Ular Respublikani yangi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish sari yetaklaydigan yangi kuch bo‘lib shakllanmoqda.

Xalqaro e‘tiroflarga ko‘ra, yangi O‘zbekiston yoshlari jamiyatni o‘zgartirishning faol sub’ekti va modernizatsiya jarayonlari uchun muhim manba, shuningdek, iqtisodiy o‘sish, avlodlar farovonligini ta‘minlash yo‘lida bebaho inson resursidir.

«Davra suhbatida» mamlakatda yoshlarning qonuniy huquqlari va manfaatlarini ta‘minlash masalasi davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi va bu doimo diqqat markazda ekani qayd etildi. Birgina so‘nggi ikki yil ichida sohaga oid uchta qonun, Prezidentning o‘nlab farmoni va qarorlari, hukumat hujjatlari qabul qilindi. Yoshlar ishlari agentligi va Bosh vazir raisligida yoshlar masalalari bo‘yicha idoralararo kengash ish boshladi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasida Yoshlar masalalari bo‘yicha komissiya tuzildi, Oliy Majlis palatalari qoshida Yoshlar parlamentlari faoliyat yuritmoqda. O‘zbekistonda 30 iyun – Yoshlar kuni, deb

Foydalanilgan Adabiyotlar Ro‘yxati:

1. Dunyo.Info
2. www.lenta.uz
3. lex.uz
4. Vazirlar Maxkamasining 2021-yil 18-yanvardagi qarori



ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

М.Султонов

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий
ишлар бўйича судьяси

З.Рустамов

Денов туманлараро иқтисодий
судининг раиси

Аннотация: ушбу мақолада ҳакамлик судларининг тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ҳакамлик суди, ҳуқуқ, қонун, суд, кичик тадбиркорлик субъектлари, ҳакамлик муҳокамаси, тараф, низо.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, мулкӣ манфаатлари, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муқобил йўллари кенг жорий этишга қаратилган манзилли ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ислохотларнинг муҳим йўналиши бўлган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида ҳакамлик судлари низоларни муқобил ҳал қилишнинг фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ишончига сазовор бўладиган институти сифатида ҳакамлик судлари фаолиятини янада ислох этишга қаратилган.

Бунинг натижасида низолар анча тез ечим топади, кам ҳаражат ва кам вақт ҳисобига ўз ҳуқуқлари тикланиши имкониятига эга бўлади. Бу каби афзалликлар тадбиркорлик субъектлари учун, айниқса, кичик тадбиркорлик субъектлари учун низоҳатда муҳимдир.

Шу мақсадда мамлакатимизда фуқаролик-ҳуқуқӣ низолари фуқаролик ва иқтисодий судлари билан бир қаторда ҳакамлик судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш, уларнинг фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган институтларга айланишида муҳим ҳуқуқӣ асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳакамлик суди адолатни излаш ва мураккаб вазиятдан чиқишга қаратилган судлов шаклларида бири ҳисобланади. Бу жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг бир шакли бўлиб, у бутун кишилиқ тарихи давомида давлат суд органлари билан бир қаторда турли келишмовчилик ва можароларга ечим топишнинг ҳуқуқӣ воситаси деб тан олинган.

Республика қонунчилигига мувофиқ, ҳакамлик судлари ўз фаолиятини қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги (конфиденциаллик), ҳакамлик судьяларининг ҳолислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортушуви ва тенг ҳуқуқчилиги асосида амалга оширадilar.

Ҳакамлик муҳокамаси тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи муҳим амалий усулларида биридир. Зеро, унинг принциплари тадбиркорлик эҳтиёжлари учун тўла жавоб беради. Ҳакамлик судлари фаолияти асосига тарафларнинг низони аслига кўра ўзлари танлаган органга мурожаат этишда ихтиёрийлик ва ишончлилик принциплари қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида қайд қилинганидек, хорижий тажрибада 70 фоиз низолар судгача ҳал этилиши, тадбиркорлар билан бевосита ишлайдиган давлат идораларида низоларни судгача ҳал этиш тузилмаларини ташкил этиш зарурлиги, тегишли органларга низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари бўлган ҳакамлик судлари фаолиятини кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб



ўтилди.

Хорижий амалиётда низоларнинг кўп қисми ҳакамлик судлари(арбитраж)да, қолган қисми эса давлат судларида кўрилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳакамлик судлари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилиб, изчил такомиллаштириб борилаётганлиги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим ўрин тутаётганлиги жиддий эътиборга моликдир.

Бундан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, истикболда ҳакамлик судлари фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги можаро ва низоларни замонавий усуллар билан ҳал этишда асосий ўрин эгаллайди.

Шунга қарамасдан, соҳада ҳамон қуйидаги тизимли камчиликлар сақланиб турибди:

- ҳакамлик судлари ишларни кўришнинг ҳуқуқий ва ташкилий масалалар билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;
- ҳакамлик судларидаги мавжуд ҳолат амалдаги механизмини қайта ислоҳ этишнинг тақозо этилаётганлиги;
- ҳакамлик судларига нисбатан ишонч руҳини шакллантириш ва ушбу судлар ҳақида хабардорлик даражасини оширишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга ошириш зарурлиги;
- қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳакамлик судлари олдидаги асосий тўсиқ сифатида сақланиб қолаётганлиги;
- ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий механизмини ишлаб чиқиш.

Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг такомиллаштирилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш билан узвий алоқадор бўлиши бир қаторда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муқобил усули сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судларининг республикамызда фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш баробарида, мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва республикамызга кириб келаётган хорижий давлатлар инвестицияларининг оқимини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.



ЎЗ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ТУШУНА ОЛМАЙДИГАН ФУҚАРО ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Усмонова Мунисхон Йўлдош қизи,
Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
E-mail: asinum57@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликка оид масалалар муҳокама қилинади. Муомала лаёқатида нуқсони бор шахснинг ирода ёки интеллектуал ҳолатида бузилиш бўлганлигига қараб жавобгарлик шахснинг ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан ҳам қўлланилиши ёхуд зарар етказувчи жавобгарликдан озод қилиниши ҳам мумкин. Бу бўйича қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 998-моддасида ўз аксини топган. Мақола зарар етказган шахс айнан ушбу ҳаракатни амалга ошириш жараёнида ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган ҳолатда бўлиши таҳлил қилинган бўлиб, бу борадаги олимларнинг қарашлари тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: зарар, зарар етказганлик учун жавобгарлик, ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахслар, муомала лаёқати чекланганлик, муомалага лаёқатсизлик, васий ва ҳомий.

Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлик бир-бирини тўлдирувчи атамалар ҳисобланади. Сабаби ҳуқуқ бор жойда, тарафларнинг мажбурияти ҳам юзага келади. Тарафлар ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда ёки усулда бажармаса, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқади [1].

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликка оид қоидалар ўз аксини топган (ФК 998-модда). Ушбу моддада ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик хусусиятлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда зарар етказган муомалага лаёқатли фуқаро, шунингдек ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган келтирган зарари учун жавобгар бўлмайди. Эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳат шундан иборатки, бунда шахс муомала лаёқатига эга бўлади, лекин ирода ёки интеллектуал ҳолатида ўзгариш бўлганлиги учун ҳаракатларини англаш қобилиятини вақтинчалик йўқотади. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказаётган пайтда шахс қандай ҳаракатни амалга ошираётганлигини англаб етмаганлиги сабабли шахснинг ўзи жавобгар бўлмайди. Бунда киши кучли рухий хаяжон, эс-хушини йўқотиш ҳолатида бўлади. Бундай ҳолат ақли норасолик билан тенг. Ақли норасолик айбни истисно қилади. Қонун талабига кўра (985-моддаси 4-қисми) жавобгарликни зарур шартларидан бири айб ҳисобланади, демак, ақли норасо зарар етказувчи жавобгар бўлмайди. Лекин бу муомала лаёқатида нуқсони бор шахс хоҳлаганча учинчи шахсларга зарар етказиши мумкин дегани эмас.

Фуқаро нормал ҳолатда ҳар доим ўзи содир этган ҳаракатларнинг аҳамиятини англаб етади, бинобарин, аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилади, ўз хатти-ҳаракатларини ўзи идора қилади. Бироқ муайян вазиятлар таъсирига кўра фуқаро вақтинчалик ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмайдиган ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Ушбу нормада худди шундай ҳолатга тушган фуқаронинг деликт лаёқати хусусиятлари белгилаб қўйилган. Вақтинчалик эмас, балки доимий ва барқарор равишда ақли норасо бўлган, бироқ яқинларининг бепарволиги сабабли муомилага лаёқатсиз мақомини олмаган фуқаролар ҳам ушбу норма таъсирига тушади [2].

Агар жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкӣ аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлаш мажбуриятини тўлиғича ёки қисман зарар етказувчига юклаши мумкин (ФК 998-модда 2-қисм). Бундан кўриниб турибдики, шахс ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган ҳолатда бошқа шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказган бўлса, етказилган



зарар тарафларнинг молиявий аҳволи (доимий даромад манбалари мавжудлиги, уларнинг микдори, турмуш даражаси ва х.к.), шунингдек бошқа ҳолатларни (тарафларни соғ-саломатлиги, жабрланувчига етказилган зиён даражаси ва ш.к.) ҳисобга олиниб, зарарни қоплаш эса зарар етказувчига, яъни муомала лаёқатида нуқсони бор шахсга юкланиши мумкин.

Зарар етказувчи, агар спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш туфайли ёки бошқа усулда ўзини ўзи шу ҳолатга келтирган бўлса, жавобгарликдан озод қилинмайди. Демак, шахс бида туриб алкоголь ичимликлар, гиёҳванд ёки бошқа психотроп моддаларни истеъмол қилиб, ўзини-ўзи фактик муомалага лаёқатсизлик ҳолатига солган ва ўзга шахсларнинг мол-мулк, ҳаёти ёки соғлигига зарар етказган бўлса, уларга нисбатан, албатта, жавобгарлик белгиланади. Бунда спиртли ичимликларни, гиёҳванд ёки психотроп воситаларни қўлга киритиш усули (ўзи сотиб олган, бошқа биров меҳмон қилган ва х.к.) аҳамиятга эга эмас. Энг асосийси ўз ихтиёри билан истеъмол қилиш ҳисобланади.

Аҳамиятли жиҳатлардан бири шуки, бунда шахс ўзини ўзи фактик муомалага лаёқатсизлик ҳолатига солиши лозим, яъни учинчи шахсларнинг ҳеч қандай аралашуви бўлмаслиги керак. Амалиётда шахсларнинг ичимлигига гиёҳванд воситалари ёки шахсни ў ҳаракатини тушуна олмайдиган ҳолатга солувчи бошқа препаратларни атайин, сездирмасдан солиб қўйиш ҳолатлари кўп. Натижада муомала лаёқатида нуқсони бўлган шахс ўз ҳаракатини англаш қобилиятини йўқотади ва ўз билмаган ҳолатда зарар етказувчига айланиши мумкин.

Агар зарар руҳий ҳолати бузилгани (руҳий касаллик ёки ақли заифлик) оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни тўлаш мажбурияти суд томонидан бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчининг бундай ҳолати ҳақида билган, лекин уни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик ўрнатиш тўғрисида масала қўймаган эри (хотини), ота-онаси, вояга етган фарзандларига юкланиши мумкин. Бу ўринда оилада бир-бирига ғамхўрлик ҳақидаги ахлоқий қоида юридик мажбурият даражасига ўсиб етади. Яқин қариндошларининг айби ўзларининг ақли норасо қариндоши тўғрисида ғамхўрлик ва назорат қилмасликларида намоён бўлади [3].

Қоида тариқасида, ушбу ҳолларда юзага келадиган фуқаролик жавобгарлигининг назарий асосларига урғу берилади, яъни Сухановнинг фикрича, “шахс руҳий касаллиги туфайли ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушунмаслик ёки назорат қилолмаслик оқибатида бошқа шахсларга зарар етказса, етказилган зарарни қоплаш мажбурияти - ҳуқуқбузарлик учун жазо руҳий касални муомала лаёқатсиз деб топиш чораларини кўрмаган шахсларга нисбатан қўлланилади” [4].

Бошқа цивилист олимларнинг фикрига кўра, биргаликда яшовчиларнинг жавобгарлигига нисбатан “нотўғри хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун жавобгарлик принципи” қўлланилади. Чунки руҳий касал бўлган фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлиши керак бўлган васийни тайинлаш чоралари яқин қариндошлар томонидан кўрилмаган бўлади [5]. Шундай қилиб, шахс оила аъзоларининг жавобгарлиги руҳий касал ёки ақли заиф фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга ваколатли органларга мурожаат қилмаслик, яъни ҳаракатсизлик шаклида юзага келади.

Ҳуқуқий муносабатлардаги шахс айбини аниқлашнинг умумий қондаси мавжуд бўлиб, унга кўра “Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади” (Ўз.Р. ФК 333-моддаси).

Зарарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, руҳий касалликдан азият чекаётган шахснинг оила аъзолари, яқин қариндошлари унга ғамхўрлик қилгани ёки эҳтиёткор муносабатда бўлгани, яшаш шароити кабилар ўрганилади. Сабаби шундагина, шахс оила аъзоларининг жавобгарлиги учун асосларни аниқлаш мезонига риоя этилган ҳисобланади. Мисол учун, олдин фактик муомалага лаёқатсиз шахс томонидан ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушунмаган ҳолда зарар етказиш ҳолатлари бўлган ва натижада тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланганлик фактлари бўлса, лекин шунга қарамай унинг оила аъзолари шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш бўйича судга даъво билан



мурожаат қилмаган бўлса, уларга нисбатан Ўз.Р. ФК 998-моддасининг 4-бандини қўллаш мумкин. Агар касаллик кутилмаганда ўзини намоён қилган бўлса, зарар етказиш эҳтимолини олдиндан кўриш учун асос берадиган олдинги фактлар бўлмаса, бирга яшовчиларнинг айби бўлмайди ва уларга нисбатан жавобгарлик масалалари қўлланилмаслиги мумкин. Фақатгина бунда улар муомала лаёқатида нуқсони бўлган шахс томонидан зазар етказилишида айбдор эмасликларини исботлаб беришлари шарт.

Хулоса. Кўриб чиқиладиган нормани қўллаш шартлари сифатида бир қатор объектив ва субъектив ҳолатларни ажратиш кўрсатиш мумкин бўлиб, уларнинг белгиланиши судга ҳуқуқбузар билан бирга яшайдиган шахсларни жавобгарликка тортиш имконини беради. Ушбу фактлар зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволарни зарар етказувчи билан бирга яшайдиган шахслар томонидан кўриб чиқиладиганда исботлаш предметида киритилади. Буларга қуйидагилар киради:

- 1) зарар етказиш факти;
- 2) зарар етказган шахснинг аҳволи билан боғлиқ бўлган фактлар - зарар етказиш вақтида шахснинг ўз ҳаракатларининг маъносини тушуниш ва уларни назорат қила олмаслиги, руҳий касалликнинг мавжудлиги;
- 3) зарар факти ва субъектнинг руҳий ҳолати ўртасидаги сабабий боғлиқлик. Адабиётларда таъкидланганидек, ушбу шахсларга зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш фақат ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатлари унинг аҳволи билан боғлиқ бўлган тақдирдагина амалга оширилиши керак.
- 4) бунда шахснинг меҳнатга лаёқатли турмуш ўртоғи, вояга етган болаларнинг ота-оналари, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан бирга яшовчи вояга етган фарзандлар (кейинги ўринларда оила аъзолари деб юритилади) жавобгарлик субъектлари ҳисобланади. Бунда кўриб чиқиладиган меъёرنинг амал қилиш муддатини у билан бирга яшайдиган ҳар қандай меҳнатга лаёқатли, вояга етган оила аъзоларига тарғиб қилувчи ёндашув мавжуд.
- 5) шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги масалани кўтармасликда ифодаланган ноқонуний ҳаракатсизлик.

Сноски/References/Иқтибослар:

1. Шепель Т. В. Деликт и психическое расстройство: цивилистический аспект : дис. ... д-ра юрид. наук. – Томск, 2006.
2. Невзгодина Е. Л. Ответственность за внедоговорный вред, причиненный недееспособными и гражданами, находящимися в состоянии адееспособности // Вестник ОмГУ. 2011. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otvetstvennost-za-vnedogovornyy-vred-prichinennyu-nedeeposobnymi-i-grazhdanami-nahodyaschimisya-v-sostoyanii-adeeposobnosti> (дата обращения: 20.12.2021).
3. Богданов Д. Е. Проблема ответственности за вред, причиненный несовершеннолетними и недееспособными гражданами с позиции справедливости // Вестник Московского университета МВД России. 2012. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problema-otvetstvennosti-za-vred-prichinennyu-nesovershennoletnimi-i-nedeeposobnymi-grazhdanami-s-pozitsii-spravedlivosti> (дата обращения: 20.12.2021).
4. Гражданское право. Том II. Полутом 2 / Под ред. доктора юрид. наук, проф. Е.А. Суханова. М.: БЕК, 2005.
5. Гражданское право: Учебник. Том II / Под ред. О.Н. Садикова. М.: Контракт, ИНФРА-М, 2007.



HUQUQIY TARBIYA BERISHDA AMIR TEMUR MEROSIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Samandarova Munojat Qahramon qizi
Urganch tumani 19- sonli maktab o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada yoshlarimizning huquqiy tarbiya berishda amir temur merosidan foydalanishning ahamiyati haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: huquqiy tarbiya, bunyodkorlik, ilm-fan, madaniyat

Boshlang'ich ta'limda bolalarga har tomonlama bilim, ko'nikmalar berish hamda ularda aqliy, axloqiy, estetik, mehnat, huquqiy, iqtisodiy va shunga o'xshash bir qancha tarbiya turlarini shakllantirish pedagog va ota-onalarning muhim vazifasi sanaladi. Ayniqsa, demokratik davlatning, erkin va farovon jamiyatning fuqarolari bo'lmish o'zbek avlodi uchun odob-xulq, huquqiy tarbiyani yoshligidan singdirish muhim omil sanaladi. Bolalarga huquqiy tarbiyani berishning usul va yo'llarini darslarda va darsdan tashqari vaqtlarda ham berib borish mumkin. Farzandning burchlari, uning Vatan, ota-ona oldidagi xizmatlarini, mardlik, shijoat kabi sifatlarni tarkib toptirish yosh avlodga bolalaigidan berib borilmog'i zarur. Yosh avlodga huquqiy tarbiya berishda Amir Temur shaxsini o'rganish orqali, Amir Temurning merosidan foydalanib olib borish mumkin. Ma'lumki, Markaziy Osiyo xalqlari, balki dunyo tarixida ham buyuk Amir Temur va temuriylar davri alohida o'rin tutadi. Markazlashgan davlat yaratgan sobiq qiron va uning avlodlari davlatchilik tarixidagina emas bunyodkorlik, ilm-fan, madaniyat, adabiyotning ham homiysi sifatida haligacha butun dunyo xalqlarining hurmatiga sazovor bo'lgan. Ayniqsa, Amir Temurning davlatni boshqarish va harbiy mahorat sirlari hamon dunyo olimlari hayratiga sabab bo'lmoqda. Shu sababdan o'zbek va jahon adabiyotida Amir Temur obrazi juda ko'p tarixiy asarlarda uchraydi. Amir Temur mohir sarkarda va siyosatchi, islohotchi, savdo-sotiq, hunarmandchilik, ilm-fan va madaniyat homiysi sifatida ana shunday buyuk shaxs hisoblanadi. Boy ma'naviy merosimiz, milliy qadriyatlarimiz, shu jumladan, ulug' bobomiz sobiq qiron Amir Temur va temuriylar tarixi yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek mustaqillikka erishganimizdan so'ng chuqur o'rganila boshlandi. Ma'lumotlarga qaraganda Amir Temur merosini o'rganish bo'yicha Yevropa tillarida 500 dan ziyod, Sharq tillarida esa 900 ga yaqin kitoblar yozilgan va ko'pdan ko'p ajoyib suratlar ishlangan. Amir Temur o'z avlodlariga nafaqat katta saltanatni ayni vaqtda yaxshi an'analarni ham meros qoldirgan. Sobiq qiron Amir Temur va temuriylar hukmronligi bilan bog'liq siyosiy, iqtisodiy, madaniy va ma'naviy, huquqiy hayotning barcha jabhalarida rivojlanishlar davri bo'ldiki, bu davr jahon miqyosida temuriylar renessansi deya e'tirof etilgan. Buyuk bobokalonimizning amalga oshirgan ezgu ishlari orasidan huquqiy targ'ibotlari to'g'risida fikr yuritishni bugungi kunning dolzarb mavzularidan biri deb hisoblaymiz. Buyuk davlat asoschisi Temurbek ibn Tarag'ay yoshligidan zo'ravonlikka va zo'ravonlarga qarshi kurash olib borib, jamiyatda adolat me'yorlariga muvofiq ish yuritish tuyg'ulari bilan birga o'sadi va kamolot darajasiga ko'tariladi. Temur asos solgan davlatda boshqa sohalarga qaraganda huquqiy tizim har doim ustun bo'lib, uning talablariga rioya qilish barcha uchun majburiy bo'lgan, tartibni buzgan va o'z vazifasini bajarmagan kishilarga qattiqqo'llik bilan munosabatda bo'linganligi haqida ma'lumotlar mavjud. Sobiq qiron Amir Temur islom huquqshunosligi ilmini har tomonlama chuqur o'zlashtirib olgan edi. Bu sohada ul zot yuksak darajaga ko'tarilib, fatvo berish salohiyatiga ega bo'lgan. Qur'oni Karimning barcha oyatlarini yodlab, ularni avvalidan oxiriga va oxiridan avvalida qarab yoddan o'qish malakasiga ega bo'lgan. Amir Temur ularning tub mazmunini chuqur tushunib, ayrimlarini o'zining ish dasturiga aylantirgan edi. Amir Temur davlatida islom huquqining asosiy qoidalaridan biri bo'lmish va hozirda ham xalqaro miqyosida qabul qilingan qoida, ya'ni u jinoyatning shaxsiylikiga jiddiy rioya qilingan, ya'ni jinoyatchining gunohi uchun uning qavm-qarindoshi, og'a-inilari (jinoyatda ishtirok etmagan holda) javobgar bo'lmaganlar, shuningdek jinoyatga qo'l urgan kishi jazosiz qoldirilmagan va gunohsiz kishini jazolashga yo'l qo'yilmagan. Amir Temur ushbu prinsipni davlat huquqiy tizimining asosiy qoidalaridan biri deb bilgan. Va men har doim askarlarimni qonunga itoat qilish ruhi bilan tarbiyalab keldim, qonunni buzuvchilarni jazosiz qoldirmadim deya ta'kidlagan edi. Sobiq qiron Amir Temurning huquqiy qarashlari majmuyi bo'lgan "Temur tuzuklari" hurmat va e'tiborga molik meroslaridan biri sanaladi. Ushbu asar dunyoning turli tillariga tarjima qilingan. "Temur tuzuklari" davlatni



idora qilish usullari, qo'shinni tashkil etish qoidalari, urushlarda amalga oshirish zarur bo'lgan harbiy uslublar singari qator siyosiy, huquqiy, harbiy va axloqiy go'ya va me'yorlarni o'z ichiga olgan. Ushbu asar mazkaziy mazmunida inson, uning qadr-qimmati, huquq va erkinliklarini himoya qilish g'oyasi mujassamlashgan. Quyidagi jumalalar orqali fikrimizning qanchalik to'g'ri ekanligini tasdiqlab o'tamiz. Amir Temurning "Kuch-adolatdadir" degan oliy me'yorni shior qilib olganligidan ham u kishining qonunga asoslangan tizimning ahamiyatini qanchalik chuqur anglab yetganligining guvohi bo'lishimiz mumkin. Uning bu so'zi bugun ham qudratli huquqiy demokratik davlat qurish uchun asosiy yo'llanma isoblanadi. Sohibqironimizning huquqiy qarashlari va amaliy ishlarida har doim insof va adolat me'yorlarini hamohang tarzda olib borganligini ko'rishimiz mumkin. Ularning ko'rsatgan jasoratlarini, amalga oshirgan ezgu ishlarini, millatimiz taraqqiyotiga qo'shgan hissalarini va albatta, biz uchun asrlar davomida saqlanib kelinayotgan ma'naviy meroslarini ongli ravishda his etamiz. Ushbu tuyg'u xalqimiz ertasining mustahkam poydevori hisoblangan har bir barkamol shaxs, u xoh yosh, xoh qari bo'lsin barchasining qalbidan yuqori o'rin egallamog'i shart. Shuni ta'kidlash joizki, o'zining tarixini, kimligini, kimning avlodi ekanligini, kelajakda qanday inson bo'lib yetishishi kerakligini anglagan har tomonlama mukammal shaxsni tarbiyalashda, albatta, ta'lim muassasalarining ahamiyati juda katta. Ayniqsa maktabgacha ta'lim muassasalarining hamda boshlang'ich ta'limning ushbu jarayonga qo'shadigan hissasi benihoya darajada ahamiyatli hisoblanadi. Bolalarning bilimi va amaliy ko'nikmalarini shakllantirish bilan birgalikda, ularni vatanparvarlik, mustaqillik g'oyalariga sadoqat, tariximiz va boy ma'naviy ma'rifiy merosimiz va qadriyatlarimizga yuksak hurmat ruhida tarbiyalashda muhim o'rin tutadi. Yosh avlodga Amir Temur shaxsini tanishtirar ekanmiz, ularga beradigan ma'lumotlarimizni bola ongiga har jihatdan singdirmoq lozim. Ya'ni berilayotgan ta'lim qanchalik mukammal bo'lsa, aqliy, ruhiy, huquqiy, jismoniy jihatdan mustahkamlansa, tarbiyalanuvchilarning bilimlarni egallaganlik darajasi yanada oshishi bilan bir qatorda buyuk siymolarimizga bo'lgan qalbidagi sadoqatlilik munosabati yanada ortadi. Natijada yetishib chiqayotgan yosh avlodlar har tomonlama yetuk, mukammal, o'z ajdodlari haqida yetarli ma'lumotlarga ega, ularning merosini jon-jahdi bilan himoya qiladigan, o'z huquq va burchlarini yuqori darajada biladigan, yurtning ertasini butun dunyo havas qilarli darajaga yetkaza oladigan tarzda kamol topib ulg'ayadi.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOSHQARUVI

Musoyeva Xushvaqt Jo'raqulovna
Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 42-maktab
Huquq fani o'qituvchisi
Telefon: +998 91 308 37 81

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekistonda davlat boshqaruvi va uning vazifalari, davlat xizmatchilarini davlat xizmatida ishlashga tayyorlash haqida ma'lumot beriladi.

Kalit so'zlar: davlat boshqaruvi, davlat xizmatchilari, hokimiyat, konstitutsiya, qonun, huquqiy faoliyat.

Davlat boshqaruvi – bu davlat siyosatini amalga oshirish, shuningdek, ushbu dasturni o'rganadigan va davlat xizmatchilarini davlat xizmatida ishlashga tayyorlaydigan o'quv intizomi.

O'zbekiston Respublikasida “xalq–hokimiyatining birdan bir manbayi” ekanligi konstitutsiyada belgilab qo'yilgan. Ushbu ta'kid davlat huquqiy faoliyatning mazmunini, uning asosini tashkil qiladi. Davlat hokimiyatining xalq manfaatlarini ko'zlab o'z falijyatini yo'lga qo'yishi konstitutsiyada qat'iy belgilangan, davlat hokimiyati zimmasiga qo'yilgan bosh vazifasidir.

Davlat hokimiyatining faoliyati xalq hokimiyatini amalga oshirishning asosiy shakllaridan biri hisoblanadi. Ushbu faoliyat, avvalambor, konstitutsiya va qonunlar bilan belgilangan tartibda davlatning Konstitutsiyada belgilangan organlari va mansabdor shaxslari tomonidan amalga oshiriladi. Ular ham o'z navbatida vaqti-vaqti bilan o'tkaziladigan saylovlar orqali tarkibal almashib yoki shakllanib turadi.

O'zbekiston suverenitetining huquqiy asosi – Asosiy qonuni **O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi** bo'lib, ushbu hujjat O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining o'n ikkinchi chaqiriq XI sessiyasida, 1992- yil 8- dekabrda qabul qilingan.

O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasini inson huquqlari va erkinliklariga oid xalqaro hujjatlar, jumladan, “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi”, rivojlangan demokratik davlatlarda mavjud bo'lgan demokratik tamoyillar va qadriyatlar, vatanimiz tarixidagi bir necha ming yillik milliy va sharqona davlatni idora etish an'alarini o'zida mujassamlashtirdi.

Mamlakatimiz Konstitutsiyasi suveren O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy hayotining muhim tomonlarini konstitutsiyaviy jihatdan tartibga solishning umumiy prinsiplarini mustahkamladi, davlat boshqaruvining mohiyatini belgilab berdi.

Konstitutsiyada nazarda tutilmagan tartibda davlat hokimiyati vakolatlarini o'zlashtirish, hokimiyat idoralarini faoliyatini to'xtatib qo'yish yoki tugatish, hokimiyatning yangi tarkiblarini tuzish Konstitutsiyaga xilof hisoblanadi va qonunga binoan javobgarlikka tortishga asos bo'ladi. Konstitutsiya konstitutsiyaviy tuzumning asosiy shartlaridan biri bo'lmish xalq hokimiyatchiligini mustahkamlab beradi. Konstitutsiyada O'zbekiston Respublikasi davlat hokimiyati oily organlarining tuzilishi, hokimiyatlarning bo'linish prinsipi asoslab berilgan.

O'zbekiston xalqi nomidan faqat u saylagan respublika Oliy Majlisi va Prezidentni ish olib borishi mumkin. Davlat o'z faoliyatini inson va jamiyat farovonligini ko'zlab, ijtimoiy adolat va qonuniylik prinsiplari asosida amalga oshiriladi. O'zbekiston Respublikasi davlat hokimiyatining tizimi hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo'linishi prinsipiga asoslanadi.

Hokimiyat vakolatlarini taqsimlash prinsipi – huquqiy davlatning eng muhim belgilaridandir. Bu prinsip barcha rivojlangan demokratik davlatlarda amal qiladigan asosiy konstitutsiyaviy qoidalardan biridir. Bu har xil mamlakatlar konstitutsiyalarida shunchaki belgilab qo'yilgan oddiy demokratik qoida emas, balki hokimiyatning bir organda to'planishining oldini olishga qaratilgan konstitutsiyaviy qoidadir. Chunki, ko'p asrlik davlatchilik taraqqiyoti tajribalari shuni ko'rsatdiki, hokimiyat bir organda to'planganida jiddiy suiste'molchiliklar yuz berishiga sharoit tug'iladi.

Foydalaniladigan adabiyotlar ro'yxati:

1. Z. Zamonov. O. Maxmudov. Tarbiya. 8-sinf darsligi. Toshkent, 2020-yil.
2. Internet ma'lumotlari

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000